РСФСР Давлат китоб палатаси
2 АПР 1991

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 65 (10.061). • 1991 йил 4 апрель • пайшанба • Баҳоси 6 тийин.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

27 март куни Тошкент вилоят партия комитети бюросининг мажлиси бўлди. Бюро мажлисида вилоят ҳудудида 1991 йил 17 мартда ўтказилган СССР референдуми якунлари муҳокама қилинди.

Шу нарса таъкидландики, вилоят партия ва совет идоралари олиб борган иш 1991 йил 17 мартда СССР референдумини уюшқоқлик билан ўтказиш имконини берди. Овоз беришда 1.144.637 киши ёки овоз берувчилар умумий сонининг 94,3 фоизи қатнашди. Ўша куни соат 20.00 гача вилоятнинг барча шаҳар ва районларида овоз бериш асосан тугади. Асосий бюллетень бўйича овоз берганларнинг 92,5 фоизи, қўшимча бюллетень бўйича 92,8 фоизи «Ҳа» деб жавоб бердилар.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда вилоят партия комитети бўлимларига, шаҳар, район партия комитетларига, вилоят ижроқўмининг коммунист-раҳбарларига фуқароларнинг СССР референдумига тайёргарлик вақтидаги учрашувлар давомида айтган мулоҳазалари, илтимослари, топшириқларини амалга ошириш бўйича вилоят партия, совет, хўжалик идоралари, меҳнаткашларнинг жамоат ташкилотларининг аниқ амалий ишлари режасини ишлаб чиқиш топшириғи берилди.

Бюро Янгийўл шаҳрини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга раҳбарлик юзасидан Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ш. И. Каримов ва Янгийўл шаҳар ижроқўмининг раиси И. Э. Йўлдошев ўртоқларнинг ҳисоботларини эшитди.

Шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда айрим ижобий ишлар қилинганлигини таъкидлаш билан бирга вилоят партия комитети бюроси аъзолари шаҳар раҳбарларига сув ва газ билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишдаги, саноат ва уй-жой қурилиши учун ер ажратишдаги сусткашлик учун жиддий эътирозлар билдирдилар.

Коммунист-раҳбарлар Ш. И. Каримов ва И. Э. Йўлдошев ўртоқларнинг партия ижтимоий-иқтисодий стратегиясини амалга оширишдаги иши етарли эмас, деб ҳисобланди.

Шаҳар партия комитети бюросига сайлаб қўйиладиган партия, совет ва хўжалик фаоллари, барча жамоатчиликнинг кўч-гайратини шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини муваффақиятли ҳал этишга сафарбар этиш бўйича ўз амалий фаолиятининг шакл ва усулларини таҳлил этиш вазифаси топширилди.

Коммунист-раҳбар И. Э. Йўлдошевга шаҳарни ижтимоий ривожлантиришга, уй-жой фондини сув билан таъминлаш ва газлаштириш муаммоларини тубдан ҳал этиш, мактаб ва мактабгача болалар муассасалари қурилишини кучайтириш; уй-жой қурилиши масалаларини комплекс ҳал этиш тадбирларини ишлаб чиқиб амалга ошириш, бунда янги қурилишларни зарур инженерлик иншоотлари билан таъминлаш масалаларини ҳал этишга алоҳида эътиборни қаратиш; ўз ишлаб чиқариш буюмлари ҳажмини кўпайтириш, шаҳар аҳолисига сотиш учун етишмаётган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларини сотиб олиш бўйича бошқа минтақалар билан алоқаларни ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган пулли хизматлар ҳажмини ошириш чораларини кўриш таклиф қилинди.

Бюро вилоят партия комитетининг В. И. Ленин туғилган куннинг 121 йиллигини ўтказиш бўйича тадбирлари режасини тасдиқлади.

КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қарорлари талаблари асосида чорва қишловидаги қийинчиликларни бартараф этиш ва баҳорга тайёргарлик бўйича партия комитетлари ишини кучайтириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Вилоят деҳқончилик саноати мажмуасидаги ишлар аҳволини таҳлил этиш шундан далолат бермоқдаки, кўпгина район партия комитетлари партия таъсирини кучайтиришни таъминламаяптилар ва меҳнат жамоаларида етарли даражада оммавий-сиёсий ишларни олиб бормаяптилар, умуман қишлоқ хўжалигида вужудга келган вазият 1991 йили маҳсулот етиштириш учун белгиланган ҳажмларни бажаришда жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Чорвачиликда, айниқса, қийин аҳвол вужудга келмоқда. Бир қатор районларда ана шу тармоқ ишлаб чиқариш потенциали қисқариб бораётганлиги ташвишлантирарлидир. 1 мартдаги аҳвол бўйича Бўка, Калинин, Пискент ва Паркент районларида қорамоллар туёғи камайиб кетди. Оққўрғон, Бўка, Пискент ва Янгийўл районлари қўйлар туёғини анча камайтириб юбордилар. 1990—1991 йиллар қишлови мобайнида ўтган йил қишловига нисбатан давлатга гўшт сотишни 10 та район 4,6 минг тонна, 12 та район тухум сотишни 27,6 миллион дона камайтириб юборди. Оҳангарон, Бўстонлиқ, Бўка районларида ҳар икки хўжаликнинг бири давлатга гўшт ва сут сотишни камайтириб юборди.

Партия комитетлари, район ижроқўмлари, қишлоқ хўжалик идоралари, вилоят хўжаликларининг раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотлари баҳорги дала ишларига намунали тайёргарлик кўриш масалаларида сусткашлик ва хотиржамлик қилмоқдалар.

Ғалаба, Паркент ва Янгийўл районларининг хўжаликлари культиваторлар ремонтида анча оқсамоқдалар, бу жойларда уларни тайёрлаш вилоят кўрсаткичидан 6,8—10 фоиз пастдир.

Оққўрғон, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Коммунистик ва Пискент район хўжаликларида силос ўриб-йиғадиган ва ем-хашак йиғиштирадиган комбайнларнинг тайёргарлик даражаси графикда белгиланган топшириқдан 5—34 фоиз орқада. Вилоят хўжаликларининг аксарияти ғалла ўриб йиғадиган комбайнлар ремонтига киришгани йўқ.

Ҳалигача уруғликни сифатли тайёрлаш масалаларини ҳал қилинмади. Картошка ва эртаги сабзавотлар экишда катта қолоқликка йўл қўйилди. Паркент, Пискент, Чиноз, Янгийўл районларида сабзавот экишда ҳам ниҳоятда сусткашлик қилинмоқда. Боғ ва токзорлардаги ишлар чўзилиб кетди. Далаларни чигит экишга тайёрлаш ишлари анча орқага сурилиб қолди, айниқса, Ўрта Чирчиқ, Пискент, Бўка ва Янгийўл районларида қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Вилоят партия комитети бюроси ишлаб чиқаришни тезлаштиришни таъминлаш ва давлатга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ишидаги аҳволни барқарорлаштириш юзасидан район, шаҳар партия комитетлари, хўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотларидан таъсирчан ташкилий ва снёсий чоралар кўришни талаб қилди.

Вилоят партия комитетининг котиблари Ш. О. Дадабоев, В. Г. Гордиенко ўртоқларга Тошкент шаҳар партия комитети, вилоят ижроқўми билан биргаликда вилоят колхоз ва совхозларига саноат, қурилиш ташкилотларининг чорвачилик фермалари комплекслари ва вилоятдаги паррандачилик фабрикалари ишлаб чиқариш потенциалини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалаларида отаолиқ ёрдами кўрсатиш юзасидан аниқ ташкилий тадбирлар ишлаб чиқиб, 10 кунлик муддат ичида вилоят партия комитети бюроси муҳокамасига киритиш топширилди.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ БЮРОСИДА ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

30 март куни кечқурун Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитетининг Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, Ўзбекистон ССР Вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, республиканинг бир қатор вазирликлари ва идоралари раҳбарлари иштирокидаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда биринчи даражадаги зарур молларни меъёри билан тарқатишга ўтиш борасидаги ишни ташкил этишдаги мавжуд нуқсонлар тўғрисидаги масала қараб чиқилди. Шу нарса таъкидландики, Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети, район Кенгашлари ижроия комитетлари, Савдо бош бошқармаси ва район озиқ-овқат савдоси идоралари коммунист-раҳбарлари томонидан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССР аҳолисига асосий озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларни сотишни барқарорлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ва Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитетининг ички бозордан ҳимояланишни кучайтиришга, Тошкент аҳолисини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларининг асосий турлари билан кафолатли таъминлашга қаратилган шу масала юзасидан қабул қилган қарорини бажариш борасида жиддий нуқсонларга йўл қўйилганки, бу нарса тошкентликларнинг ҳақли эътирозлари ва кўплаб шикоятларига сабаб бўлмоқда.

Район Кенгашларининг ижроия комитетлари, турар жой органлари томонидан аҳоли турар жойлари бўйича уларнинг рўйхатларини тузиш ҳаддан ташқари бўш ташкил этилган, кўпчилик ҳолларда бу юмуш савдо ходимларининг ўзига қайта топширилган. Шунинг оқибатида рўйхатлар тўлалигича тузилмаган, шаҳарнинг ҳамма аҳолиси ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини олишлари керак бўлган қайси дўконларга бириктириб қўйилганликларидан хабардор эмаслар.

Озиқ-овқат дўконларига аҳолини бириктириб қўйиш бир меъёрда қилинмаган, уларнинг айримларига хизмат кўрсатилиши керак бўлган одамлар сони 3—4 минг ва ундан ҳам ортиқ кишини ташкил этадики, бу нарса рўйхатга олишни қийинлаштиради, асабийлик ва норозилик ҳолатларини келтириб чиқаради, керакли ёзувларни расмийлаштириш учун одамларни соатлаб навбатда туришга мажбур қилади. Бир қатор дўконлар бу ишга умуман жалб этилмаганлиги ҳам маълум бўлди. Савдо бошқармаси (ўртоқ Р. Ю. Ўрозбоев) савдони қайта ташкил этиш юзасидан, дўконларнинг секциялари ўртасидаги улар бажарадиган ишларнинг меъёрида бўлишига қаратилган чора-тадбирларни белгиламади. Қўшимча савдо нуқталарини очиш имкониятлари ҳам қидирилмади, ваҳолонки, шундай қилинганда юз берган тангликни юмшатишга имкон туғилган бўлур эди.

Савдо корхоналари билан бириктириб қўйилган районлар ўртасида ажратилган молларни олиш учун мавжуд бўлган фондлар тўлалигича қайта кўриб чиқилмади, аҳолини биринчи даражали зарур бўлган моллар билан кафолатли таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланмади. Савдо қоидаларини бузиш ҳолларига йўл қўйилмоқда, молларни беркитиб қўйиш ҳоллари содир бўлмоқда, харидорларга нисбатан қўполликлар вазиятни яна ҳам кескинлаштирмоқда. Энг кўп нуқсонларга Куйбишев (Ш. Т. Нусратов, А. А. Аҳмаджонов ўртоқлар) ва Киров (Р. А. Калонов, А. Қ. Қосимов ўртоқлар) районларида йўл қўйилмоқда.

Юз берган ана шундай аҳвол кўп жиҳатдан Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, коммунист С. Т. Тошқулов томонидан ана шу ишни етарли даражада ташкил этмаганлигининг, Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети Савдо бош бошқармасининг бошлиғи, коммунист Р. Ю. Ўрозбоев томонидан, район Кенгашлари ижроия комитетларининг раислари, район озиқ-овқат савдоси идоралари директорларининг ана шу муҳим ишга раҳбарликдаги нуқсонларининг, район партия комитетлари томонидан назорат бўшаштирилганлигининг оқибатидир.

Шаҳар партия комитетининг бюро мажлисида Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади. У жумладан, шаҳар партия комитети бюроси, унинг котиблари, шаҳар ижроия комитетининг раҳбарлари ва жойлардаги партия, совет органлари томонидан ташкилотчилик ишларининг бўшаштириб юборилганлигини кўрсатиб ўтди. Шу нарса таъкидландики, етарли тартибни таъминлашга даъват этилган бир қанча мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги туфайли юзлаб кишилар азият чекмоқдалар ва ишда айбдор бўлган ҳар бир киши тегишли жазо олиши керак. Фаолларни бу ишга шундай жалб этиш керакки, токи 3—5 кун ичида ҳамма нуқсонлар барҳам топсин, меъёрли савдо таъминоти масаласида етарли тартибни таъминлашдан ташқари, бус-бутун олганда шаҳарликларга савдо ва маиший хизмат кўрсатиш системаси яхшиланиши керак.

Ана шу мақсадлар учун Кенгашларнинг раислари бошчилигида шаҳар ва районларнинг штаблари ташкил этилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюроси ва Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети биринчи даражадаги зарурий молларни меъёри билан тарқатишни ташкил этишдаги жиддий нуқсонлари учун Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. Тошқуловга ҳайфсан эълон қилди ва бу иш 3—4 кун мобайнида тузатилмаса партиявий жавобгарлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилган ҳолда уни эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш ҳақидаги масала қўйилади. Савдо корхоналари ишидаги нуқсонлари, биринчи даражадаги зарурий молларни меъёри билан аҳоли турар жойларида тарқатишга ўтишни ташкил этиш борасида зарур чора-тадбирларни белгиламагани учун Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети Савдо бош бошқармасининг бошлиғи Р. Ю. Ўрозбоевга ҳайфсан эълон қилинди. У ҳам агар яқин кунлар ичида аҳволни яхшиламаса, эгаллаб турган лавозимига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масала қўйилиши хусусида огоҳлантирилди. Куйбишев ва Киров районларидаги дўконларда меъёри билан молларни тарқатиш бўйича ишни ташкил этишдаги қўпол хаталари, аҳолининг норозиликларига олиб келган биринчи даражадаги зарурий молларни сотишдаги ижтимоий адолат принциплари бузилишига йўл қўйилганлиги учун Куйбишев ва Киров районлари озиқ-овқат савдоси идораларининг директорлари К. Абдуллаев ва Т. Ўлмасовларнинг бундан буён шу лавозимда қолишлари мақсадга мувофиқлиги масаласини қараб чиқиш топширилди.

Район Кенгашлари ижроия комитетларининг коммунист-раислари юзага келган аҳволни тузатиш бўйича зудлик билан чора-тадбирлар кўришга шахсан масъул эканликлари ҳақида огоҳлантирилдилар. Район партия комитетларининг биринчи котибларига аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ижтимоий адолат принципларига риоя қилиш бўйича ишларни назорат остига олишлари топширилди.

* * *

Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси А. И. Фозилбеков раислигида шаҳар штабининг мажлиси бўлиб ўтди. Штаб аҳоли турар жойларида озиқ-овқат молларини меъёри билан тарқатишнинг аҳоли учун янада аниқ ва қулай, суиистеъмолчилик ҳоллари юз бермайдиган, ортиқча сайъи-ҳаракатлар ва вақт сарфламай хотиржам ва кафолатли равишда маҳсулотларнинг белгиланган қисмини олишни таъминлайдиган усулини ишлаб чиқди. Бу усулни жорий этишнинг аниқ муддатлари ва унинг аниқ ижрочилари ҳамда унга жавобгар шахслар белгиланди.

### ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Молларни меъёр бўйича тақсимлашнинг ташкил этилиши юзасидан таклиф ва мулоҳазаларингиз билан сизларни ўз район ижроия комитетларингизнинг комиссияларига мурожаат этишингизни илтимос қиламиз. Бу комиссияларнинг телефон номерлари қуйидагича:

Акмал Икромов — 74-16-73,
Бектемир — 92-48-19,
Киров — 35-24-80,
Куйбишев — 32-75-52,
Ленин — 33-36-62,
Октябрь — 41-75-32,
Собир Раҳимов — 48-30-41,
Сергели — 58-36-30,
Фрунзе — 53-48-08,
Ҳамза — 96-38-42,
Чилонзор — 77-14-95.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Экиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш ва чигит энг қулай муддатларда бир текис униб чиқишига эришиш, пахтакорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси фармойиш чиқарди.

1991 йил 1 майга қадар (Қорақалпоғистон республикасида 10 майгача) барча майдонларда чигитнинг бир текис униб чиқишини таъминлаган хўжаликларни рағбатлантириш учун бозор фондидан ҳар бир пахтакор район учун иккитадан енгил машина ажратилди.

Республика Савдо вазирлигига, Ўзбекбирлашувга 1991 йил 1 майга қадар (Қорақалпоғистон республикасида 10 майгача) барча майдонларда чигитнинг бир текис униб чиқишини таъминлаган пахтачилик бригадалари ва бўлимларининг илғорларини рағбатлантириш учун 500 тадан тикув машинаси, холодильник ва кир ювиш машинаси ажратиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги экиш мавсуми илғорларини рағбатлантириш учун 600 минг сўм ажратганлиги маълумот учун қабул қилинди. Қорақалпоғистон республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигига, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаларига ва район-шаҳар деҳқончилик-саноат уюшмаларига илғорларни рағбатлантириш тартиби ва шартларини ишлаб чиқиш топширилди.

Экиш мавсуми якунлари 10 майга қадар (Қорақалпоғистон республикасида 15 майгача) чиқарилсин.

(Шарҳи 2-бетда босилмоқда).

*Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

### КЕЛИН-КУЁВЛАРГА МЕБЕЛЬ, ГИЛАМ ВА ГИЛАМ ПОЕНДОЗЛАРНИ СОТИШНИНГ ИМТИЕЗЛИ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг миллий хусусиятлари ва анъаналари муносабати билан келин ва куёвларни чакана нархлар кескин ошган шароитда ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 27 ноябрдаги 370-сонли қарори 4-бандининг биринчи абзаци қисман ўзгартирилиб, 1991 йил 3 апрелдан бошлаб биринчи марта никоҳдан ўтаётган келин ва куёвларга битта гилам ёки гилам поёндоз, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган битта мебель йиғмаси ёки мамлакатимизда ишлаб чиқарилган йиғмага ва гарнитурга кирмайдиган бошқа мебель буюмларни шартнома (эркин) нархларнинг, бошқариладиган ёки белгилаб қўйилган нархларнинг 75 фоизини, лекин ҳар оилага кўпи билан 1500 сўм чегириб сотиш жорий этилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

(Шарҳи 2-бетда босилмоқда).

*Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

### ЎЗБЕКИСТОН ССРда АҲОЛИГА ЭНГ ЗАРУР МОЛЛАРНИ БЕЛГИЛАНГАН МИҚДОРДА СОТИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 6 мартдаги 59-сонли қарори билан бир қанча энг зарур молларни белгиланган миқдорда сотишнинг жорий этилиши жойларда аҳоли бундай молларни олишига кафолатни таъминлайди. Шу билан бир вақтда ҳудудлар ўртасидаги хўжалик алоқаларининг ҳамон ёмонлашаётганлиги ва бунинг оқибатида пшлаб чиқаришда юз берган таназзул, шунингдек республика ҳукуматининг нон, ун ва макарон чакана нархларини оширмаслик тўғрисида қарор қабул қилганлиги аҳоли асосий озиқ-овқат ва ашёвий моллар билан белгиланган миқдорда кафолатли таъминланишини назорат қилишни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ун, ёрма, ўсимлик ёғи, қанд-шакар бозор жамғармаларини Ўзбекбирлашув ва Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазирлиги билан келишиб, Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Маҳкамасига, вилоят ижроия комитетларига ҳамда Тошкент шаҳар ижроия комитетига тақсимлаш вазифаси Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги зиммасига юклатилсин. Бу маҳсулотларнинг бозор жамғармалари ҳар кварталда навбатдаги квартал бошланишидан камида 30 кун олдин маълум қилинади ва тасдиқланган ўн кунлик жадвалга қатъий амал қилиб берилади.

2. Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазирлигига давлат савдоси ва матлубот кооперацияси корхоналарига ун ва ёрмани беришнинг ўзаро келишилган ўн кунлик жадвалга қатъий мувофиқ равишда истеъмолчиларни бундай маҳсулотлар билан ажратилган фондлардан ўз вақтида ва узлуксиз таъминлаб туриш юзасидан сира кечиктирмай чора-тадбирларни кўриш топширилсин.

3. Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув зиммасига «Ўзбекистон озиқ-овқат саноати», «Ўзбекистон мева-сабзавот ва виночилик саноати», «Ўзбекистон балиқчилиги» концернлари, «Узрибпромсбит» бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлиги билан биргаликда ажратилган жамғармаларга мувофиқ равишда молларнинг кўрсатилган турларини савдога етказиб беришнинг ўн кунлик меъёрини белгилаш вазифаси юклатилсин.

(Давоми 2-бетда).

### МУҲИМ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

**НАРХ ОШИРИЛДИ. АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?**

Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби И. А. Каримов ўтказган кенгаш ана шу муҳим масалага бағишланди. Кенгашда республика вазирликлари ва идоралари, Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари раҳбарлари, райижроком раислари, район партия комитетлари ва партия ташкилотларининг котиблари, матбуот ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашда озиқ-овқат маҳсулотларини, айниқса гўшт ва сут маҳсулотларини аниқ тақсимлашга қандай эришиш, аҳолини шу маҳсулотлар билан республика ҳукумати белгилаган меъёрларда таъминлаш ҳақида жиддий равишда гаплашиб олинди.

# ЎЗБЕКИСТОН ССРда АҲОЛИГА ЭНГ ЗАРУР МОЛЛАРНИ БЕЛГИЛАНГАН МИҚДОРДА СОТИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

4. Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув аҳолини энг зарур моллар билан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССР аҳолисига асосий озиқ-овқат ва ашёвий молларни сотишни барқарорлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1991 йил 6 мартдаги 59-сонли қарорида белгилаб қўйилган энг кам миқдордаги меъёрда кафолатли таъминлаш учун шошилинч чораларни кўрсин.

5. Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети асосий озиқ-овқат молларининг бозор жамғармаларини олганларидан кейин бир ҳафта муддатда биринчи навбатда мактабгача болалар муассасалари, касалхоналар, интернатлар, гўдаклар уйлари, мактаб ошхоналари эҳтиёжларини таъминлашни ҳамда аҳолига бундай маҳсулотларни сотишнинг белгиланган меъёрини ҳисобга олиб уларни тақсимлаш ва савдо ташкилотларига етказишни амалга оширсинлар.

6. Аҳолини асосий озиқ-овқат ва ашёвий моллар билан кафолатли таъминлашни назорат қилиш учун республика штаби тузилсин.

Республика штаби (ўртоқ Исмоилов)га:

молларнинг бир текис тақсимланишини, уларни улгуржи базалар ва омборлардан жўнатишга қатъий риоя қилишни назорат қилиб боришни таъминлашга доир ишларни ташкил этиш учун Вазирлар Маҳкамасининг вакилларини юбориш;

Вакилларга маҳаллий идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, шу жумладан зарур бўлган ҳолларда шаҳарлар, районлар ва савдо системалари ўртасида молларни қайта тақсимлаш масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқини бериш топширилсин. Жойларда вакилларнинг кўрсатмалари бажарилмаган тақдирда улар бу ҳақда шошилинч чоралар кўриш учун республика штаби раҳбари ўртоқ Ў. Қ. Исмоиловни хабардор қилишга мажбурдирлар.

7. Аҳолига энг зарур моллари сотишнинг белгиланган тартибига ҳамда уларни Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ равишда сотишга риоя этилишини таъминлаш учун шахсий масъулият Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, шунингдек район ва шаҳар ижроия комитетлари раисларининг зиммасига юклатилсин.

8. Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети, Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети Вазирлар Маҳкамасининг ички бозорни ҳимоя қилишга қаратилган қарорлари бажарилишини қаттиқ назорат қилсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

## АСОСИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА АШЁВИЙ МОЛЛАР БИЛАН АҲОЛИНИ КАФОЛАТЛИ ТАЪМИНЛАШ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ЖУМҲУРИЯТ ШТАБИ

**Исмоилов Ў. Қ.** — Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, штаб раҳбари

**Гусев В. Г.** — Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, штаб раҳбарининг ўринбосари

**Эргашев Б. Д.** — Вазирлар Маҳкамаси халқ истеъмол моллари, савдо ва хизмат бўлими мудирининг ўринбосари, штаб котиби

**ШТАБ АЪЗОЛАРИ**

**Антонов В. Ф.** — Ўзбекистон ССР Давлат Хавфсизлиги Комитети раисининг ўринбосари

**Адаманов О. К.** — Ўзбекистон ССР Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари

**Усмонов М. З.** — Ўзбекистон ССР Савдо вазири.

**Волков Г. Г.** — Ўзбекбирлашув бошқарувининг раиси

**Василенко С. П.** — Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти вазирининг биринчи ўринбосари

**Йўлдошев А. А.** — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирининг биринчи ўринбосари

**Руденко А. Г.** — Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети раисининг ўринбосари

**Эрматов Н. Э.** — Ўрта Осиё темир йўли бошлиғининг ўринбосари

**Муталов А.** — Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазири

**Қосимхўжаев Б. Қ.** — «Узпишчепром» концернининг раиси

**Тошкенбоев А. Ҳ.** — «Узплодоовошчвинпром» концернининг раиси

**Қурбонов М. Ҳ.** — «Узглавлегснабсбит» бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Норпўлатов Н. Н.** — Ўзбекистон ССР прокурорининг биринчи ўринбосари.

Камёб моллар рўйхатидан ўрин олган палослар Олмалиқ гилам фабрикасида тўхтовсиз чиқарилмоқда. Шунга қарамай бу маҳсулотга бўлган аҳоли эҳтиёжи қондирилмаяпти. Мана энди янги нархда сотиладиган палослар дўкон пештахталаридан доимий жой олса ажаб эмас.

СУРАТДА: Х. Сафарова, М. Олимқулова ва М. Бердневалар тайёр маҳсулотнинг сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Суратқаш В. ТЎРАЕВ.

## • Совет Тинчлик жамғармасига—30 йил

**ТИНЧЛИК учун уюшган тарздаги халқаро жамоатчилик ҳаракати дастлаб 1949 йил апрель ойида дунёга келган эди. Ўшанда бир йўла Европадаги икки пойтахтда — Прага ва Парижда тинчлик тарафдорларининг биринчи Умумжаҳон конгресси ўтказилганди. Унда Совет Иттифоқидан А. Фадеев, А. Корнейчук, И. Эренбург, В. Василевская каби адиблар иштирок этишди.**

Варшавада ўтказилган тинчлик тарафдорларининг иккинчи Умумжаҳон конгресси бутун дунё халқларининг нуфузли органи сифатида Умумжаҳон тинчлик Кенгашини тузди. Бу Кенгаш барча халқлар ҳаётий манфаатларига жавоб берувчи мустаҳкам ва доимий тинчликни таъминлашни ўз зиммасига олди.

Тинчлик тарафдорлари биринчи Умумжаҳон конгрессининг ҳамма жойларда оммавий ҳаракатларни кенг ёйиш ҳақидаги даъватига жавобан 1949 йил 25 августда Москвада тинчлик тарафдорларининг биринчи Бутуниттифоқ конференцияси ўтказилди. Ана шу конференция совет жамоатчилигининг тинчлик муҳофазаси учун уюшган ҳолда ҳаракатига асос бўлди.

Бу машаққатли давр эди. Иккинчи жаҳон уруши тугаганига эндигина тўрт йил бўлган эди. Совет халқи ўз социалистик ватани озодлиги ва мустақиллиги, фашистлар қуллиги хавфига қарши Улуғ Ватан урушини бошидан ўтказгандир.

Совет кишилари тажовузкор кучларга қарши курашда тинчликнинг қадрига етувчиларнинг бари бирлашиб, фаол ҳаракат қилиши зарурлигини тушунган ҳолда оқибати мисли кўрилмаган даражада оғир тугаши мумкин бўлган янги жаҳон уруши олдини олишга қатъий киришгандилар.

Тинчлик тарафдорларининг 1949 йилдаги биринчи Бутуниттифоқ Москва конференцияси миллионлаб совет кишиларининг тинчликпарвар интилишларини, уларнинг умумий тинчликни мустаҳкамлаш ишига қатъий бел боғлаганини ифода этувчи оммавий жамоатчилик ташкилоти — Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетини таъсис этди.

Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети таъсис этилган вақтдан бошлаб унинг номига мамлакатнинг турли томонларидаги совет фуқароларидан маъқуллаб, қўллаб-қувватловчи хатлар билан бирга пуллар, облигациялар, қимматбаҳо буюмлар кела бошлади. Уларни жўнатаётганлар мазкур маблағлардан дунёни уруш хавфидан сақлаб қолиш, озодлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган халқларга, истибдод қурбонларига ёрдам кўрсатиш учун фойдаланишни илтимос қилишарди Натижада, мана шу маблағларни жамлаб, улардан фойдаланишга раҳбарлик қилиб турувчи алоҳида жамоатчи орган тузиш зарурияти юзага келди.

Шу тариқа 1961 йил 27 апрелда жамоатчи ташкилотлар йиғилиши томонидан Совет тинчлик жамғармаси таъсис этилди.

Улуғ Ватан уруши йиллари минглаб совет кишилари ўз шахсий ташаббуслари билан мамлакат мудофааси жамғармасига ўзларининг топган-тутганларини топширишдек ватанпарварлик ҳаракати тажрибаси ҳаммага маълум. Уруш давомида кўнгилли халқ бадаллари бўйича 13 килограмм платина, 131 килограмм олтин, 9519 килограмм кумуш ва 1,8 миллиард сўмлик қиммат баҳо буюмлар тўпланди. Улар ҳисобига минглаб самолётлар, тўплар, танклар ва бошқа турли жанговар техника ишлаб чиқарилди.

Жумладан Ўзбекистон меҳнаткашлари мудофаа жамғармасига 640 миллион сўмдан зиёд пул, 22 миллион сўмлик буюмлар, 55,7 килограмм қимматбаҳо металлар, 18 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари топширдилар. Хусусан Фарҳод ГЭСи қурувчилари 1,5 миллион сўм маблағ тўпладилар ва унинг эвазига жанговар самолётлар ишланди. Тошкент вилояти Янгийўл райони олиб борилган ишлар, меҳнаткашлар ва пенсионерлар, черков ва мачитларга қатновчи диндорлар пул ўтказиб туришибди. Кимки одамлар жамғармага ортиқча, ўзларига керакмас пулларни ўтказишади, деб ўйласа хато қилади. Улар ватанимиз қудратини имкони борича мустаҳкамлашга қўлдан келганча ҳисса қўшиш мақсадида ўз имкониятларига қараб, чин дилдан чиқариб бадаллар бериб туришибди.

Тинчлик жамғармасига пул ўтказиб турган 10 минглаб кишилар орасида Зайтуна Александровна Ниёзова ҳам бор. У беш йилдан бери ҳар ойда ўз пенсиясидан 65 сўмни шу жамғарма ҳисобига ажратиб келмоқда. Собиқ ўқитувчи ҳозирги кунда пенсионер Ксения Михайловна Петрова совет тинчлик жамғармасига жами 2342 сўм, шунингдек 574 сўмлик давлат заёми облигацияларини ўтказган.

«Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимаси Саодат Тоҳирова совет тинчлик жамғармаси ҳисобига 6 йилдан зиёд давр мобайнида ҳар ойда 10 сўмдан ўтказиб келмоқда. «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоалари, умумтаълим мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчилари, Тошкент давлат тиббиёт институти ва Тошкент давлат қишлоқ хўжалиги олийгоҳлари талабалари, студент отрядлари ва бошқаларнинг иштироки айниқса фаол бўлмоқда.

Совет тинчлик жамғармаси ҳисобига кўнгилли бадаллар топшириш борасида ширкатлар ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётирлар. Доимий пул ўтказиб келаётганлар орасида «Болгария», «Зомин» ва «Оригинал» каби Киров райони ширкатларини, С. Раҳимов районидаги агрегат заводи «Символ» ширкати ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Совет тинчлик жамғармаси маблағларга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётган Бекобод районидаги «Зафар» мачити, Чиноз районидаги «Қози маҳалла» мачитлари, Чирчиқ шаҳри, Бўстонлиқ районидаги черковлар, Янгийўл шаҳридаги диний жамоалар номини ҳам тилга олиб ўтиш ўринли.

Совет тинчлик жамғармаси тинчлик учун, халқлар ўртасидаги бирдамлик ва ўзаро ҳамкорлик учун курашаётган 17 та совет жамоатчи ташкилотлари, меҳнаткашлар ва пенсионерлар, черков ва мачитларга қатновчи диндорлар пул ўтказиб туришибди. Кимки одамлар жамғармага ортиқча, ўзларига керакмас пулларни ўтказишади, деб ўйласа хато қилади. Улар ватанимиз қудратини имкони борича мустаҳкамлашга қўлдан келганча ҳисса қўшиш мақсадида ўз имкониятларига қараб, чин дилдан чиқариб бадаллар бериб туришибди.

Тинчлик жамғармасига пул ўтказиб турган 10 минглаб кишилар орасида Зайтуна Александровна Ниёзова ҳам бор. У беш йилдан бери ҳар ойда ўз пенсиясидан 65 сўмни шу жамғарма ҳисобига ажратиб келмоқда. Собиқ ўқитувчи ҳозирги кунда пенсионер Ксения Михайловна Петрова совет тинчлик жамғармасига жами 2342 сўм, шунингдек 574 сўмлик давлат заёми облигацияларини ўтказган.

«Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимаси Саодат Тоҳирова совет тинчлик жамғармаси ҳисобига 6 йилдан зиёд давр мобайнида ҳар ойда 10 сўмдан ўтказиб келмоқда. «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси — 1000 сўм, Акмал Икромов райони хотин-қизлари — 85 сўм пул ўтказишди.

Тинчлик жамғармаси ҳисобига якка тартибда пул ўтказиб келаётганлар орасида оддий, меҳрибон ва табиатан ғамхўр кишилар кўп. Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи Л. М. Дикенштейн ва А. Г. Войкин, Ангрен умумий овқатланиш тресті ходими Хўжаназар Абдуллаев, «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси И. Асадуллин, ангренлик Э. Э Рўзиев, чирчиқлик ҳарбий хизматчи П. Г. Гудинлар шулар жумласидандир. Тинчлик жамғармаси маблағларининг тобора кўпайиб боришида чин дилдан ҳисса қўшаётган бундай одамларнинг барини номнаном санаб чиқиш қийин.

Ўтган йили Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти аҳолисидан жами 79083 сўм миқдорида кўнгилли бадаллар келиб тушди. Бу рақамлар ортида бизнинг кўпмиллатли республикамизнинг турли табақа ва ижтимоий гуруҳларга мансуб юзлаб минг совет фуқаролари турибди. Хайрли ишда Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, 2-автокорхона, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташигрушка» фабрикаси, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоалари, умумтаълим мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчилари, Тошкент давлат тиббиёт институти ва Тошкент давлат қишлоқ хўжалиги олийгоҳлари талабалари, студент отрядлари ва бошқаларнинг иштироки айниқса фаол бўлмоқда.

Совет тинчлик жамғармаси ҳисобига кўнгилли бадаллар топшириш борасида ширкатлар ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётирлар. Доимий пул ўтказиб келаётганлар орасида «Болгария», «Зомин» ва «Оригинал» каби Киров райони ширкатларини, С. Раҳимов районидаги агрегат заводи «Символ» ширкати ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Совет тинчлик жамғармаси маблағларга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётган Бекобод районидаги «Зафар» мачити, Чиноз районидаги «Қози маҳалла» мачитлари, Чирчиқ шаҳри, Бўстонлиқ районидаги черковлар, Янгийўл шаҳридаги диний жамоалар номини ҳам тилга олиб ўтиш ўринли.

Совет тинчлик жамғармаси тинчлик учун, халқлар ўртасидаги бирдамлик ва ўзаро ҳамкорлик учун курашаётган 17 та совет жамоатчи ташкилотлари ва ҳаракатларини ҳисобга олиб уларни тақсимлаш ва савдо ташкилотларига етказишни амалга оширсинлар.

6. Аҳолини асосий озиқ-овқат ва ашёвий моллар билан кафолатли таъминлашни назорат қилиш учун республика штаби тузилсин.

Республика штаби (ўртоқ Исмоилов)га:

молларнинг бир текис тақсимланишини, уларни улгуржи базалар ва омборлардан жўнатишга қатъий риоя қилишни назорат қилиб боришни таъминлашга доир ишларни ташкил этиш учун Вазирлар Маҳкамасининг вакилларини юбориш;

Вакилларга маҳаллий идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, шу жумладан зарур бўлган ҳолларда шаҳарлар, районлар ва савдо системалари ўртасида молларни қайта тақсимлаш масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқини бериш топширилсин. Жойларда вакилларнинг кўрсатмалари бажарилмаган тақдирда улар бу ҳақда шошилинч чоралар кўриш учун республика штаби раҳбари ўртоқ Ў. Қ. Исмоиловни хабардор қилишга мажбурдирлар.

7. Аҳолига энг зарур моллари сотишнинг белгиланган тартибига ҳамда уларни Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ равишда сотишга риоя этилишини таъминлаш учун шахсий масъулият Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, шунингдек район ва шаҳар ижроия комитетлари раисларининг зиммасига юклатилсин.

8. Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети, Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети Вазирлар Маҳкамасининг ички бозорни ҳимоя қилишга қаратилган қарорлари бажарилишини қаттиқ назорат қилсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

# ТИНЧЛИК—БАРЧАНИНГ ЭЗГУ НИЯТИ

Совет кишиларининг тинчлик ва қуролсизланиш масалаларидан манфаатдорлигини қониқтириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, совет жамоатчилигининг аниқ дастурлар ва лойиҳалари учун кўнгилли ҳайриялар йиғиш бўйича тадбирлар ўтказиш борасида кенг тушунтириш ва тарбия ишларини олиб бориш унинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Тинчлик жамғармаси фаолиятида совет кишиларининг иштироки шакллари шунчалар хилма-хил уларни санаб ўтиш ҳам мушкул.

«Тинчлик вахталари», «Хотира вахталари», «Тинчлик юришлари», кўнгилли шанбалик ва якшанбаликлар, профессионал ва ҳаваскор санъаткорларнинг хайрия концертлари, кўргазмалар, тинчлик ярмаркалари ва ким ошди савдолари ана шундай тадбирлар сирасига киради.

Меҳнат жамоаларининг ўз смена, цех ва бригадалари таркибига — уруш ва меҳнат қаҳрамонларини фахрий аъзо қилиб қабул этишдек ватанпарварлик ташаббуслари кенг қанот ёйди. Улар ишдан ташқари пайтларда қўшимча иш ҳажмларини бажариб, қаҳрамонларга ажратилган рамзий иш ҳақини тинчлик жамғармасига ўтказиб турибдилар Бу билан қаҳрамонлар хотираси янада абадийлаштирилмоқда, улар гўё биз билан ёнма-ён туриб меҳнат қилганча, бизни янги жасоратларга илҳомлантирмоқдалар.

Совет тинчлик жамғармасига заводлар, фабрикалар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, қурилишлар, колхозлар ва совхозлар, кичик корхоналар ва ширкатлар, меҳнат жамоалари, олийгоҳлар ва мактаблар, турар-жой идоралари ва маҳалла комитетлари, адиблар ва олимлар, артистлар ва рассомлашмаси партия комитети котибаси Галина Арсентьевна Григорян эса мана ўн йилдирки, мазкур жамғармага муносиб ҳисса қўшиб келаётир. У юборган кўнгилли бадаллар ҳозиргача 2 минг сўмдан кўпроқ бўлиб қолди.

Ҳамза районидаги фаол жамоатчи аёллар ўтган йили тинчлик жамғармасига 255 сўм, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси — 1000 сўм, Акмал Икромов райони хотин-қизлари — 85 сўм пул ўтказишди.

Тинчлик жамғармаси ҳисобига якка тартибда пул ўтказиб келаётганлар орасида оддий, меҳрибон ва табиатан ғамхўр кишилар кўп. Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи Л. М. Дикенштейн ва А. Г. Войкин, Ангрен умумий овқатланиш тресті ходими Хўжаназар Абдуллаев, «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси И. Асадуллин, ангренлик Э. Э Рўзиев, чирчиқлик ҳарбий хизматчи П. Г. Гудинлар шулар жумласидандир. Тинчлик жамғармаси маблағларининг тобора кўпайиб боришида чин дилдан ҳисса қўшаётган бундай одамларнинг барини номнаном санаб чиқиш қийин.

Ўтган йили Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти аҳолисидан жами 79083 сўм миқдорида кўнгилли бадаллар келиб тушди. Бу рақамлар ортида бизнинг кўпмиллатли республикамизнинг турли табақа ва ижтимоий гуруҳларга мансуб юзлаб минг совет фуқаролари турибди. Хайрли ишда Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, 2-автокорхона, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташигрушка» фабрикаси, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоалари, умумтаълим мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчилари, Тошкент давлат тиббиёт институти ва Тошкент давлат қишлоқ хўжалиги олийгоҳлари талабалари, студент отрядлари ва бошқаларнинг иштироки айниқса фаол бўлмоқда.

Совет тинчлик жамғармаси ҳисобига кўнгилли бадаллар топшириш борасида ширкатлар ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётирлар. Доимий пул ўтказиб келаётганлар орасида «Болгария», «Зомин» ва «Оригинал» каби Киров райони ширкатларини, С. Раҳимов районидаги агрегат заводи «Символ» ширкати ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Совет тинчлик жамғармаси маблағларга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётган Бекобод районидаги «Зафар» мачити, Чиноз районидаги «Қози маҳалла» мачитлари, Чирчиқ шаҳри, Бўстонлиқ районидаги черковлар, Янгийўл шаҳридаги диний жамоалар номини ҳам тилга олиб ўтиш ўринли.

Совет тинчлик жамғармаси тинчлик учун, халқлар ўртасидаги бирдамлик ва ўзаро ҳамкорлик учун курашаётган 17 та совет жамоатчи ташкилотлари ва ҳаракатларини ҳисобга олиб уларни тақсимлаш ва савдо ташкилотларига етказишни амалга оширсинлар.

6. Аҳолини асосий озиқ-овқат ва ашёвий моллар билан кафолатли таъминлашни назорат қилиш учун республика штаби тузилсин.

Республика штаби (ўртоқ Исмоилов)га:

молларнинг бир текис тақсимланишини, уларни улгуржи базалар ва омборлардан жўнатишга қатъий риоя қилишни назорат қилиб боришни таъминлашга доир ишларни ташкил этиш учун Вазирлар Маҳкамасининг вакилларини юбориш;

Вакилларга маҳаллий идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, шу жумладан зарур бўлган ҳолларда шаҳарлар, районлар ва савдо системалари ўртасида молларни қайта тақсимлаш масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқини бериш топширилсин. Жойларда вакилларнинг кўрсатмалари бажарилмаган тақдирда улар бу ҳақда шошилинч чоралар кўриш учун республика штаби раҳбари ўртоқ Ў. Қ. Исмоиловни хабардор қилишга мажбурдирлар.

7. Аҳолига энг зарур моллари сотишнинг белгиланган тартибига ҳамда уларни Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ равишда сотишга риоя этилишини таъминлаш учун шахсий масъулият Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, шунингдек район ва шаҳар ижроия комитетлари раисларининг зиммасига юклатилсин.

8. Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети, Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети Вазирлар Маҳкамасининг ички бозорни ҳимоя қилишга қаратилган қарорлари бажарилишини қаттиқ назорат қилсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИГА ШАРҲ

Бу йилги баҳор ҳавоси қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун тобора кам вақт қолдириб, деҳқонларни шошириб қўймоқда. Бундан ташқари, экинларни энг мақбул муддатларда экиш ва уруғликнинг бир текисда униб чиқиши мўл ҳосил олиш гаровидир. Шуни ҳисобга олиб, республика Вазирлар Маҳкамаси 1 майга қадар, Қорақалпоғистон МССРда эса 10 майгача чигитни энг қулай муддатларда экишни ҳамда барча майдонларда унинг бир текисда униб чиқишини таъминлаган жамоа ва давлат хўжаликлари, бригадалар, ижарачи, пудратчи ҳамда оилавий жамоалар ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантириш тўғрисида фармойиш қабул қилди.

Қорақалпоғистон МССР ва вилоятлар хўжаликларига пахтакор бригадаларни, илғор механизаторларни ва экиш экипажларини рағбатлантириш учун 500 та холодильник, 500 та кир ювиш машинаси ҳамда 500 та тикув машинаси ажратиш мўлжалланган.

Ҳар бир пахтакор районга иккитадан енгил автомашина ажратиш кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалик вазирлиги илғорларни мукофотлаш учун 600 минг сўм пул ажратди.

Ҳукуматнинг фармойиши бевосита пахтакорларни рағбатлантиришга қаратилган. Бу йил пахта майдонлари қисқаради, ялпи ҳосилни эса ҳосилдорликнинг ўсиши ҳисобига таъминлаш режалаштирилган. Бунда асосий эътибор чигитни ўз вақтида, сифатли экишга, уни бир текис ундириб олишга қаратилмоқда.

Амалиётчиларга маълумки, чигитни эрта экиш — ҳосилнинг эрта етилиши, юқори сифатли бўлиши, уни ёрингарчилик бошланмасидан ва одатда четдан ишчи кучи жалб этмасдан йиғиб олинишининг гаровидир.

Экиш-тикиш ишларининг тугалланиши ва чигитнинг бир текис униб чиқиши якунларини вилоятлардаги ҳамда Қорақалпоғистон МССРдаги мутахассислардан ва илғорлардан тузилган комиссиялар чиқариши тавсия этилади, натижалар юзасидан материаллар республика қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этилади.

Ҳар бир вилоятда 10 майгача, Қорақалпоғистон МССР хўжаликларида 15 майга қадар экиш-тикиш мавсуми якунларини чиқариш чоғида барча ишларни бажариш сифатига баҳо беришда ҳар томонлама ёндашиш зарур.

Бунда чигит экилган ҳар бир пайкалда гектарнинг талабга тўла жавоб бериши таъминланганлигига, қаторларнинг тўғри олинганига, уруғлик сарфи нормаларига қандай амал қилинганлигига, ҳар бир қатордаги ғўзаларнинг текислигига ҳамда экишдан аввал ва экиш чоғида минерал ўғитлар солинганига алоҳида эътибор берилсин.

Вилоят, район қишлоқ хўжалиги идораларининг, жамоа ва давлат хўжаликларининг раҳбарлари, мутахасисслар бутун майдонда чигитнинг бир текис ва бехато униб чиқиши, уруғликни тайёрлаш, уни қанчалик чуқурликка экиш билан боғлиқ барча агротехника усулларига амал қилиш кузда мўл ҳосил олишнинг гарови эканлигини кенг тушунтирсинлар.

Баҳорнинг бир куни қишнинг ўн кунини боқади, деган ҳикматли сўзларни ҳамиша ёдда тутиш лозим.

## МИЛЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Президенти аппаратининг миллатлараро муносабатлар бўлимида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Миллатлараро муносабатлар муаммолари ҳамда диндорлар орасида рўй бераётган жараёнлар, шунингдек Ўзбекистон халқларини жипслаштириш, уларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Семинар-кенгаш ишида Қорақалпоғистон Совет республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг янги тузилган миллатлараро муносабатлар бўлимларининг мудирлари ҳамда дин масалалари шўъбаларининг мудирлари қатнашдилар. Бу бўлимларнинг вазифаси, миллатлараро муносабатлар соҳасида ва диндорлар орасида рўй бераётган жараёнларни ўрганишдан, миллатлараро муносабатларнинг ҳолатига таъсир ўтказаётган зиддиятлар ва бузилишларни бартараф қилишдан, виждон эркинлиги соҳасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашдан, тегишли қонунларни бажаришдан иборат.

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН**

## «90 сўмлик... асаббузарлик»

**Рўзноманинг шу йил 19 февраль сонида юқоридаги сарлавҳали мақола босилиб, унда «Ўзтрансхизмати» аҳолига транспорт-хизмати кўрсатишдаги айрим камчиликлари танқид қилинган эди. Республика транспорт хизмати бирлашмаси бошлиғи Ш. Ниёзбековнинг рўзномага юборган жавоб хатида жумладан шундай дейилади: «Мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Хўжалик ҳисоби асосида ишловчи «Бахт» транспорт агентлигининг чиқарган буйруғига биноан агентликнинг буюртманинг бажарилишини таъминламаган ходимлари, чунончи бошлиқнинг вақтинчалик ўринбосари И. Сиддиқов иш ҳақидан 100 сўм, автомобилларни ишлатиш бўлими мудҳандиси Т. Генкина иш ҳақидан 50 сўм миқдорида чегириб қолинди. Буюртма қабул қилувчилар билан хизмат маданиятини ошириш ҳақида суҳбат ўтказилди».**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Маълумки, Иттифоқ ҳукумати 1990 йил 15 ноябрдан мебель гарнитурлари ва гиламларга шартнома нархларини жорий этганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР ҳукумати шартнома нархларини мазкур молларни келин-куёвлар сотиб олаётган тақдирда 40 фоиз, лекин ҳар оилага кўпи билан 800 сўм чегириш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Шу йил 2 апрелдан кучга кирган чакана нархлар ислоҳоти мебелнинг барча турлари, шу жумладан мебель гарнитурларига кирмайдиган турларининг, шунингдек гиламларнинг чакана нархини оширишни кўзда тутади. Республика ҳукумати қарор топган миллий анъаналарни ва ёш оилаларга мадад беришнинг катта ижтимоий аҳамиятини кўзда тутиб, ана шундай молларни харид қилиш чоғида уларнинг нархини чегириш миқдорини деярли икки баравар кўпайтириш имкониятини қидириб топди. Ушбу қарор билан берилган имтиёзлар учун харажатлар салкам 250 миллион сўм миқдорида бўлади, деб баҳоланмоқда. бу эса ёш оилалар бюджетига салмоқли қўшимчадир.

Мазкур молларни биринчи марта никоҳдан ўтган шахсларга имтиёзли сотишнинг аниқ тартиби гражданлик ҳолатини қайд этиш бўлимлари, халқ депутатлари қишлоқ (овул), посёлка Советларининг ижроия комитетлари томонидан икки ёки бир кишига имтиёзли нархлар билан мебель, гилам ёки гилам поёндоз сотиб олиш ҳуқуқига справка берилишини кўзда тутади. Бундай ашёларни сотиб олиш учун буюртмалар рўйхатга олинган кундан бошлаб бир ой ичида расмийлаштирилиши керак. Савдо ташкилоти мазкур справка ва никоҳ гувоҳномасига асосланиб, мебель ва гиламни сотилаётган нархини 75 фоиз миқдорида, лекин икки кишига 1500 сўмдан ёки бир кишига 750 сўмдан ошмаган миқдорда чегириб сотади.

Магазинга мурожаат қилинган пайтда зарур моллар бўлмаган тақдирда буюртма расмийлаштириб қўйилади. Мол келиши биланоқ магазин келин-куёвларга таклифнома юборади.

# ЭНДИ НИМАДАН ЮТИШ МУМКИН?

**● МОСКВАДА Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда Чиноз ноҳиясидан қайси хўжалик қатнашди?**

**● КОММЕРЦИЯ Карл Маркс номли жамоа хўжалигига салкам ярим миллион сўм қўшимча даромад келтирди.**

**● Ишбилармонликни қачон ўрганамиз?**

СЎНГГИ йиллардаги ўзгаришлар қишлоқни ҳам четлаб ўтмади. Тўла хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, бозор иқтисоди деган янги истилоҳлар пайдо бўлдики, улар хўжаликлар ички ва ташқи муносабатларини тубдан ўзгартириб юборди. Қачонлардир буйруқ остида бўлган хўжаликлар энди мустақилроқ иш кўра бошладилар. Уларга берилаётган бу мустақиллик ва эркинликлар тўпланиб қолган қишлоқ муаммоларини ҳал этилишига аста-секин бўлса-да ижобий таъсир кўрсатаяпти. Аммо, тўла маънода эмас.

Биласизми, илгарилари— пудрат эндигина пайдо бўлганда у нима экан, дея ҳайрон бўлгандик. Бироқ, вақт ўтиб, уни фақатгина билиб олмадик, ҳатто қўллашга ўтдик. Ана шу пудрат бизни кўп нарсага ўргатди. Эндиликда олдимизда бозор иқтисоди, деган янгилик пайдо бўлди. Қизиқ, қишлоқ унинг имкониятларидан ўз мақсадлари йўлида фойдалана олармикан? Ваҳоланки, бозор иқтисодига ўтишга ҳар бир хўжалик, хоҳ у рентабелли бўлсин, хоҳ норентабелли, мажбур. Ахир, бозорга бутун мамлакат ўтяпти.

Дарвоқе, бозор иқтисоди нима ўзи? Бу саволга бир жиҳатини олиб ўзини-ўзи пул билан таъминлаш, деб ҳам жавоб бериш мумкин. Лекин, тўла маънода фикр билдирадиган бўлсак, у коммерсантлик, тадбиркорлик, маҳсулот етиштира билиш ва уни сота билиш мактаби ҳамдир. Маълумки, бозор иқтисоди ҳаракатга келган пайтда прейскурант нарх ўзаро келишув нархига айланади. Шу йилдан бошлаб барча хўжаликлар ўзлари етиштирган маҳсулотларини айрим турларини (асосан деҳқончиликда) келишув нархида сотишга ўтдилар. Демакки, биз бозор иқтисодига қадам қўйдик. Хўш, энди нималар қилиш лозим, ишни аввал нималардан бошлаш керак? Табийки, бу савол кўпчиликни ўйлантиряпти. Ҳар доим бўлганидек, аввал яхши сара, мўл ҳосил етиштириш учун курашиш лозим. Маҳсулот етиштирилгач эса уни сота билиш ҳам керак. Биз мўмай фойда олишнинг қўшимча ана шу шарти ҳақида сўз юритамиз.

Аввало келишув нархи нима эканлигини билиб олишимиз зарур. Илгари олди-соттида қатъий нарх белгилаб қўйиларди. Бу нархни ўзгартириб бўлмасди. Эндичи? У ўзгарувчан бўлади. Масалан, жамоа хўжалиги ўзи етиштирган маҳсулотга ўзи нарх белгилаш ҳуқуқига эга. Бунда олувчи ва сотувчи ташкилотнинг фикри бир жойдан чиқиб, бир тўхтамга келгандагина шартнома тузилади. Шу ўринда муҳим бир нарсани айтиб ўтмоқчимиз. Яқинда Москвадаги Бутуниттифоқ халқ хўжаликлари ютуқлари кўргазмасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг Бутуниттифоқ ярмаркаси бўлиб ўтди. Ана шу ярмаркада Чиноз ноҳиясидан атиги битта хўжалик, Карл Маркс номли жамоа хўжалиги қатнашди, холос. Нима, бу ярмаркада бошқа хўжаликларнинг қатнашиши мумкин эмасмиди? Мумкин эди. Ҳатто, ҳар бир хўжаликнинг қатнашиши тўғрисида уларнинг раҳбарларига кўрсатмалар ҳам берилганди.

### ОЛДИ-СОТТИНИ ЎРГАНАЙЛИК

Аммо, деярли барча хўжаликлар бу ярмаркада иштирок этиб, узоқ регионлар билан ўзаро шартномалар тузишдан бош тортишди. Ҳатто, яқинда Энгельс номли жамоа хўжалигига раҳбар этиб тайинланган НАСУнинг собиқ раиси Е. Ерхўжаев ҳам бу ярмаркага ўз вакилини юбормади.

Бозор иқтисоди — бу ҳақиқий коммерция, демакдир. Усиз эса хўжаликни ривожлантириш, деҳқоннинг фаровон, ўзига тўқ яшашини таъминлаш қийин масала. Тўғри, чет билан алоқа қилмай коммерция билан шуғулланиш мумкин. Лекин, бунда қўшимча фойда бўлмайди. Мана, Карл Маркс номли жамоа хўжалиги ўтган йили четга маҳсулот сотишнинг эвазигагина салкам ярим миллион сўм қўшимча даромад олди. Бу хўжалик 137 гектар майдонда сабзавот ва полиз экинлари билан деҳқончилик қилган эди. Ана шу ердан олинган жами даромад 2 миллион 18 минг сўм бўлди. 565 гектар пахта майдонидан олинган даромад эса 1 миллион 680 минг сўмни ташкил этди, холос. Гарчи иқтисодчи — хўжалик бошқаруви раиси М. Абдукаримов ўзбошимчалик билан сабзавот ва полиз майдонларини кенгайтириб юборган бўлса-да, бундан хўжалиги зарар кўрмади. Бу хўжаликда эртаки сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришда бой тажриба тўпланиб боряптики, бу тажрибани оммалаштирса арзийди.

Яна бир мисол, ўтган йили 1 гектар пахта майдонидан 3035 сўм, 1 гектар сабзавот даласидан 10 минг 409 сўм, полизнинг ҳар гектаридан эса 12 минг 633 сўмдан даромад олинган. Бу мисол қайси экин даромадлироқ экан, деган саволга лўндагина жавоб бўла олади.

Шу ноҳиядаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» жамоа хўжалигининг ишлаб чиқариш қуввати юқорида номи қайд этилган хўжаликка нисбатан анча кучли. Ишлаб чиқариш воситаларида ҳам устунлик бор. Бироқ, чет билан олди-сотти билан шуғулланмаслик уни анчагина фойдадан қийиб қўяяпти. Ўтган йили Карл Маркс номли жамоа хўжалиги 137 гектардаги сабзавот ва полиздан 2 миллион 18 минг сўм даромад олган бир пайтда бу хўжалик 106 гектар ана шундай экинлар экилган майдондан бор-йўғи 594 минг 272 сўм даромад қилди. Кўриниб турибдики, орада анча тафовут бор. Коммерция билан астойдил шуғулланмаслик ана шу катта тафовутни келтириб чиқарди. Ёки бўлмасам, яна бир мисол: Карл Маркс номли жамоа хўжалиги 58 гектар помидорнинг ҳар гектаридан ўртача 9 минг 775 сўмдан, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» жамоа хўжалиги эса (жами 15 гектар) 6 минг 692 сўмдан даромад олди. Бунда ҳам тафовут бор. Бу тафовутнинг илдизи яна олди-соттига, яъни коммерцияга бориб тақалади. Ваҳоланки, помидор ҳосилдорлиги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги»да Карл Марксдагидан 1 центнерданга (341 центнер) ортиқ бўлганди. Юқорида кўпчилик хўжаликлар РСФСР ва бошқа жумҳуриятлар билан шартномалар тузишга қизиқмадилар, дегандик. Бу — ҳақиқат. Лекин, биласизми, улар нима учун бунга қизиқмайдилар? Чунки, шартнома тузишнинг ўзи бўлмайди. Буюртмачи-шартномачиларга етиштирилган маҳсулотларни ўз муддатида, сифатини бузмай етказиб бериши лозим. Вагонлар, яшчиклар етишмаётган, маҳкамачилик тўсиқлари сақланиб турган ҳозирги пайтда бу даҳмазадан бошқа нарса эмас. Коммерция нонини емаган хўжаликлар шундай деб тушунадилар. Буни ҳатто, Карл Маркс номли хўжаликдагилар ҳам тан олишяпти. Бироқ, ана шу даҳмазаларни енгиш эвазигагина қўшимча фойда келади. Бозор иқтисоди пайтида имкониятларни бой бериш кўнгилсиз тугаши ҳам мумкин. Буни унутмаслик керак.

**Рустам КАМОЛОВ,**
**«Ленин байроғи» рўзномаси қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири.**

## ТУРИ 27 ТАГА ЕТДИ

ЧИРЧИҚДАГИ Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида асосий маҳсулот қатори кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш миқёслари ҳам кенгайиб бормоқда. Айниқса, кейинги вақтларда талабни ҳисобга олиб бундай маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштириляпти.

Ҳозирги вақтда корхонада халқ эҳтиёжи учун мўлжалланган 27 турдаги турли-туман рўзғор буюмлари тайёрланиб, савдо шахобчаларига етказиб берилмоқда. Комбинатнинг ўзида ҳам дўконча ташкил этилди. Унда айрим кенг истеъмол буюмлари билан харид қилинмоқда.

Ҳозирги вақтда комбинатда ҳар бир сўмлик иш ҳақи ҳисобига 60 тийинлик халқ истеъмоли моллари тайёрланяпти. Албатта, бу кам. Жилла қурмаганда қиймати маош фондига тенг келадиган халқ истеъмоли товарлари тайёрлашга эришиш лозим. Шуни ҳисобга олиб металлурглар изланишни давом эттирмоқдалар. Жумладан, бу ерда газ тармоқлари учун жўмраклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳозирлик ишлари бошлаб юборилди. 1992 йилга келиб шундай маҳсулот цехи фойдаланишга топширилади. Бу ерда 12 миллион сўмлик мол ишлаб чиқариладиган бўлади.

**М. МАҲМУДОВ.**

## ЕРЛАР ТЕКИСЛАНДИ

ЯНГИЙЎЛ районида бу йил 7300 гектар майдонда пахта етиштирадилар. Илғор хўжаликлар ўтган йилги тажрибаларини ишга солиб, ғичит экишга пухта тайёргарлик кўрдилар. Энг биринчи навбатда техникаларни созлашга катта аҳамият берилди. Тайёр техникалар синовдан ўтказилди.

Аксарият хўжаликларда уруғлик келтириб қўйилган. Бу йил чигитнинг асосан С-6524 ва «Наманган-1» навлари экилади. Мана, кунлар ҳам исиб қолди. Имкониятдан фойдаланмоқдалар. Ерда намни сақлаш мақсадида пахта экиш учун ажратилган майдонлар бороналаниб текисланаётир.

Шунингдек, районда ҳозиргача 132 гектар майдонга карам ва бошқа сабзавот экинлари экилди. Озуқа экинлари парвариши авж олдирилди.

Райондаги «СССР 60 йиллиги» ва «Коммунизм» жамоа хўжаликлари сабзавот экишни анча барвақт тугалладилар.

**Р. ХУДОЕРОВ.**

**ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ВИЛОЯТИМИЗДА ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?**

# ОЛАМ ЎЗРА НОМИ КЕТГАН

**Қадим-қадим даврлардан халқимиз ўз жасорати, шижоати, илму маданияти билан дунёни лол этганлиги аён. Бу ҳақда Ўрхун-Энасой битикларидан «Зафарнома»га қадар, «Тиб қонунлари»дан «Муҳаббатнома»га қадар, «Зичи Қўрагоний»дан «Темурнома»га қадар, «Тарихи Банокатий»дан «Хамса»ю «Хазойин ул-маоний»гача ва яна ўнлаб биз билган-билмаган манбалар, «Шоҳи Зинда», «Регистон», «Тожмаҳал» каби юзлаб бебаҳо меъморлик намуналари асрлар оша халқимиз шон-шуҳратини оламга кўз-кўз этиб турибди.**

**Лекин афсуски миллий тилимиз узоқ йиллар давомида қадрсизланиб келди. Шукроналар бўлсинки, бу носозликнинг кечроқ бўлса-да, олдини олишга бел боғладик. ТИЛИМИЗГА ҳақли равишда ДАВЛАТ МАҚОМИ берилди.**

**Мазкур Қонун амалиёти юзасидан бир қатор хайрли тадбирларга қўл урилди, масъул қўмита ва комиссиялар тузилди. Шундай комиссиялардан бири Тошкент вилоят Шўроси ижроия қўмитаси қошида фаолият кўрсатмоқда. Рўзномамиз мухбири вилоят жой номларини белгиловчи Атамалар комиссияси раисининг ўринбосари Акмал ҲАКИМОВ билан суҳбатлашди.**

**— Акмал ака, комиссия ташкил қилинганлигига ярим йилдан ошибди, бу албатта жуда қисқа вақт, аммо айрим тадбирлар амалга оширилган бўлса керак?**

— Ҳа, гарчи ишларимиз ҳали жуда кўзга кўринарли бўлмаса-да, илк қадамлар қўйилди. Масалан, давлат тили ҳақидаги Қонуннинг 24 моддасида тарихий жой номлари ва атоқли кишилар исми халқ мулки ҳисобланиши ҳамда давлат томонидан муҳофаза қилиниши айтилган. Шунга асосан биз Калинин қўрғонига тарихий Эшонгузар, Свердлов қишлоғига Занги ота номини бериш ҳақидаги аҳоли сўровини комиссиямиз йиғинида маъқуллладик. Яқиндагина Тошкент ноҳиясидаги К. Маркс номли жамоа хўжалигига шу хўжалик асосчиларидан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номи берилди. Ҳозирги кунда Коммунистик ноҳиясининг тарихий Юқори Чирчиқ атамасини тиклаш ҳақида ҳам вилоят Шўросига таклиф киритганмиз.

Шунингдек, айнан ўша 24-моддада жумҳуриятимиздаги барча жой номлари ягона давлат тилида қайд этилиши кўрсатилган. Шунга асосан Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ каби бир қатор шаҳарларимиздаги кўча ва бошқа жуғрофий-ҳудудий ўринлар номи давлат тилида қайд этилмоқда.

**— Жой номларини белгилаш ва ўзгартириш ишлари осон эмас. Бунинг ўзига яраша қийинчиликлари ва муаммолари мавжуд. Шундай эмасми?**

— Гапнинг очиғи, бу ўта муаммоли масала экан. Бундай дейишимга сабаб, бу борада аниқ бир қўлланма йўқ. Дейлик, бозор иқтисодиётига ўтишнинг умумийўналиш мажмуаси бор. Шу мажмуяга асосан ҳар бир жумҳурият, вилоят, ҳатто корхона ўзига мослаб йўналиш белгиласи мумкин. Аммо жой номлари бўйича тайин бир тазкира йўқ. Бундан ташқари, бизга келаётган сўров ва тавсиянномаларнинг аксариятида якка тартибдаги шахслардан то жамоатчиликкача асосан собиқ раҳбарлар — хўжалик раиси, корхона директори ёки маҳалла қўмитаси раиси номини жойларга беришни сўраганлар. Ваҳоланки, бизнинг асосий ишимиз ҳозирги кунда йўқ бўлиб кетаётган тарихий атамаларни тиклашдир. Буни эса кўпинча вилоятдошларимиз тушунишни истамаётирлар. Яна бир муаммо шундаки, тил ҳақидаги Қонунга шаҳарлар берилган рисолада шаҳар, қишлоқ, районлар номи жумҳурият Олий Кенгаши Раёсатининг жой номлари комиссияси қарори билангина ўзгартирилади дейилган. Олий Кенгаш Раёсатида эса бундай комиссиянинг ўзи йўқ. Бизнинг олдимиздаги муаммолар ичида асосийлари шулар. Яна бир катта ва муҳим масала бу — маблағ масаласи.

Давлат тили ҳақидаги Қонун амалиёти учун жумҳурият миқёсидаги тегишли вазирликлар маблағ ажратишлари зарур эди. Аммо биздаги маълумотларга кўра бирорта районнинг халқ хўжалиги режа бўлимида қонунни татбиқ этилишига маблағ сарфлаш учун бирор қонуний кўрсатма йўқ. Шу боисдан ҳам бизнинг фаолиятимизда депсиниш бўлиб қолаяпти, бошқа ижтимоий соҳа учун ажратилган маблағга кўз тикишга ҳаққимиз йўқ. Лекин пул йўқ экан деб индамай ўтирмаяпмиз. Комиссиямиз аъзолари маълум бир район, шаҳарга бириктирилганлар. Жойларда ташкил этилган атамалар комиссиялари билан доимо алоқадамиз. Қайси район, хўжалик қўшимча даромади бўлса, иқтисодиётига салбий таъсир этмаса, ўз ҳудудидаги жой номини ўзгартириш ҳақида сарф-харажатни ўз ҳисобидан қоплаш шарти билан тавсиянома беришлари мумкинлиги таъкидланган...

### МУХБИР ИЗОҲИ:

Дарҳақиқат, биз ҳозирги кунда катта бир инқилобий депсиниш даврини бошдан кечирмоқдамиз. Ошкоралиқни ўзимизча ҳоҳлаганга гапни айтиб, истаган талабни гапираман деб тушунмоқдамиз. Айрим одамлар, баъзи жамоатчилик бу кўчанинг номи ундоқ, бу хўжалик номи бундоқ, буни олиб ташлаб, фалончининг номини қўйиб берасан, деб икки оёғини бир этикка тиқиб туриб олишади. Тўғри, марҳумлар номини абадийлаштириш, улар хотирасини ҳурматлаш биз, тириклар учун ҳам фарз, ҳам қарз. Аммо район ёки шаҳар қабристон эмаски, фақат марҳумлар номини ёзиб қўяверсак. Хотирани абадийлаштириш учун нега фақат кўча ё ташкилотга марҳум номини бериш шарт деб тушунамиз?

Ваҳоланки, ўша шахс ҳақида китоб ёзиш, фильм ишлаш ёки у яшаган уй ва ишлаган даргоҳга тириклигидаги фаолиятини англатувчи лавҳа ўрнатиш ҳам хотирани абадийлаштиришнинг ишончли усулларидан-ку! Менинг ушбу фикримни Тошкент вилоят ижроия қўмитасидаги мутасаддилар ва аҳоли тўғри тушуниб қувватлайдилар, деб умид қиламан.

Шу ўринда вилоят Атамалар комиссиясидаги ўртоқларга айрим таклифларимни ҳам билдириб ўтсам. Зеро, жой номларини белгилаш ишларида ҳар ким ўз ёрдами ва таклифини айтишга ҳақлидир.

Биринчидан, комиссия фаолияти учун алоҳида расмий варақа (фирмали бланка) таъсис этилса;

Иккинчидан, вилоят Атамалар комиссияси Низомига қуйидаги бандлар киритилса:

а) Совет даврида халқ ва юрт учун хизмат қилган одамлардан фақат Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари (ёки шу даражадаги учта Шуҳрат ордени соҳиблари), Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари номлари улар вафотидан кейин камида беш йил ўтгач абадийлаштирилади (Жумҳурият Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган Фармон, Қарорларгина бу муддатни қисқартириши мумкин);

б) Улуғ Ватан уруши ҳамда Афғонистонда ҳалок бўлган жангчилар номи фақат пионер дружиналарига берилади ёки улар яшаган уйга ёдгорлик лавҳаси ўрнатилади;

в) Номи абадийлаштириладиган шахс Тошкент вилоятида камида йигирма йил яшаб, хизмат қилган бўлиши шарт (Афғонистонда ҳалок бўлган байналмилал жангчилар учун бу муддат ўн йил қилиб белгиланади);

г) Мактаб, болалар уйлари, махсус интернатларнинг номлари вилоят Атамалар комиссияси йиғинининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

Сўнгги таклифга қисқача изоҳ берсам: мактаб, болалар уйлари, махсус интернатларга вилоят Шўроси қарори шарт эмас. Негаки, бу масканлар номи ўзгарганда фақат расмий варақа ва муҳр алмаштирилади. «Тез ёрдам», ички ишлар, ижтимоий таъминот каби ташкилотлар бу жойлар номини эмас, балки улар жойлашган кўча номини асос қилиб иш юритадилар. Шу сабабли ҳам бундай масканлар учун ортиқча оворагарчилик ноўрин.

Юқорида айтилган таклифлар юзасидан вилоят Шўроси ижроқўми ва аҳолиси ўз мулоҳазасини билдирадилар, деб ўйлайман.

Шу ўринда: «Нега фақат ордени бор одамнинг номи абадийлаштирилиши керагу орденсиз, аммо ҳалол меҳнат билан кун кечирган киши четда қолиши керак?» — деган эътироз туғилиши мумкин.

Бу борада жойлардаги мутасаддилар жон қойитишлари лозим. Ҳақиқатда ҳалол умр кечириб, халқ йўлида хизмат қилган кишиларимиз жуда кўп. Ҳаммаларининг номи абадийлаштиришга арзийди. Аммо бунинг учун кўчаларимиз камлик қилиши аниқ. Лекин мен юқорида айтиб ўтдим, инсон хотирасини абадийлаштириш деганда фақат кўчага ном беришни тушунмаслик керак. Ҳалол кишиларни, эл ҳурматлаган одамларни эъзозлаб, улар яшаган уйга, иш жойларига эсдалик лавҳалари ўрнатишни, энг аввало, маҳалла қўмиталари фаолларининг, жамоа ва шўро хўжаликлари раҳбарларининг вазифаси деб биламан.

**Дилмурод САЙДОВ.**

*• Чорвачилик «Тошкент ҳақиқати» назоратида*

## ЧЎПОН ДЕЙДИКИ...

ҚИРГА пода ёйган ўрғозсойлик Турдибой отанинг ўғли Мирзааҳмад ака таёқни елкасига ташлаганча падари бузрукворининг сўзларини хотирлайди: «Ўнта ўғил бўлса ўрни бошқа, мен ҳам ўтиб бораётган карвонман. Чўпонга чўпонлик ота касб бўлсагина юқади».

У бу ўгитларни жон қулоғи билан тингларди ва амал қиларди. Кам бўлгани йўқ. Бутун Ўрғозсойда ҳурмат топди. Унга ишониб қўйчилик бригадасини топшириб қўйишибди. Лекин ҳозирги ёшларнинг ҳаммаси ҳам пода ортидан қирлар ошиб ҳаёт кечиришни хуш кўравермайдилар.

Мана шу нарса Мирзааҳмад ака сингари чўпонларни ўйга толдиради. Қўй боқиш, чўпонлик қилиш осон эмас, албатта. Бу юмушнинг кўз илғамас сир-асрорларини ёшликдан вужудга сингдириш керак.

Қўйчилик бригадасида бўлиб, суҳбат устидан чиқдик.

— Юқори самарага эришишда ака-ука Турдибоевларнинг хизматлари катта бўляпти,— дейди «Олмалиқ» давлат хўжалиги зоотехниги В. Ким,— фермамизда 10 та отар мавжуд. Шу кунларда 7 мингдан зиёд қўй боқилаётир. Шундан 1804 таси совлиқ.

— Отарлар созланган, шароитимиз ёмон эмас. Қўзилатиш мавсуми кўнгилдагидек тугалланмоқда. Ҳар юз бош совлиқдан 94 тадан қўзи олинаётир,— суҳбатни давом эттирди чўпон Дўсинбой Эсонбоев.

— Кўчма дўкон келиб туради,— дейди Ҳасан Алиев.— Лекин унда кундалик зарур озиқ-овқат ва кийим-кечак бўлавермайди. Ахир, бизлар отарни ташлаб бир қадам ҳам силжий олмаймизку!

Ҳақ гап. Талабга яраша шароит бўлмаса самара кутилгандек бўлмайди.

**А. МАҲКАМОВ,**
**Оҳангарон райони.**

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

### БЎЛАЖАК САФАРДАН—КАТТА УМИД

**● ТОКИО, 2. (ТАСС). Бу ерда ўтказилган брифингда сўзга чиққан Япония Ташқи ишлар вазирлигининг вакили журналистлар ҳузурида гапириб, СССР Президенти М. С. Горбачевнинг яқинда Японияга қиладиган расмий сафари катта умид туғдирмоқда, деб айтди. Шунингдек, мазкур сафар Совет — Япония муносабатларини сифат жиҳатидан янги савияга кўтаради, деб ишонч билдирилди.**

**Маълумки, ўтган ҳафтада СССР Ташқи ишлар вазири А. А. Бессмертних Японияга сафар қилган эди. Ташқи ишлар вазирлиги вакили бу сафар якунлари ҳақида ҳамда Совет Ташқи ишлар вазирининг Япония Ташқи ишлар вазири Таро Накаямо ва Бош вазир Тосики Кайфулар билан учрашувлари хусусида тўхталиб, мазкур учрашувлардан чиқадиган хулосалар ҳам ҳар иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларда янги бурилиш нуқталари бўлишидан далолат бермоқда, деди.**

### ХОСТ ТАСЛИМ БЎЛДИ

**● АФҒОНИСТОН Жумҳурияти президенти Нажибулло телевидение орқали ўзининг миллатга қилган мурожаатида оппозициячи кучларнинг Покистон харбийлари ёрдамда Хост шаҳрини эгаллаб олганликларини айтди. У бу воқеага Женева шартномасини бузиш деб баҳо берди. Шунингдек, Нажибулло Покистон ҳарбийларининг хатти-ҳаракатларини ҳам қаттиқ қоралади.**

**Нажибулло ўз баёнотида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиб, Покистон томонидан қилинган босқинчилик ҳаракатларига дарҳол эътиборни қаратиш лозимлигини таъкидлади. Ўтган сешанба куни бутун Афғонистон бўйлаб мотам куни деб эълон қилинди.**

### ЯНГИЛИКЛАР ТЎЛҚИНИДА

**● БЕРЛИНДАГИ «хомийлик идораси» президенти Детлеф-Карстен Роведдер душанбадан сешанбага ўтар кечаси ўз уйида номаълум шахслар томонидан отиб ўлдирилди. Унинг рафиқаси эса қаттиқ жароҳатланди. Жиноий ишлар бўйича федерал маҳкама мутахассислари бу иш юзасидан тафтиш бошладилар.**

**● ИТАЛИЯ Бош вазири Жулио Андреотти истеъфога чиқди. Вазирлик маҳкамасининг қолган аъзолари ҳам унга эргашишди. Жумҳурият Президенти Бош вазирининг илтимосномасини қабул қилди. Шу тарика беш партия вакилларидан таркиб топган маҳкама 615 кундан сўнг ўз фаолиятини тўхатди. Эндиликда ким бош вазир бўлади, Ж. Андреоттининг ўзи янги маҳкама тузадими ёҳуд парламентга янги сайловлар бўлиб ўтадими, деган саволлар кенг жамоатчиликни ўйлантириб турибди. Ҳукумат инқирози қайси йўлдан боради? Буни бир неча кундан сўнг аниқ билса бўлади.**

**● АҚШ ҳарбий маҳкамаси — Пентагон «Авенжер» — А-12 тонфасидаги «кўзга кўринмас» қирувчи тайёрани ишлаб чиқаришдан тийилиш тўғрисидаги ўзининг қарорини январь ойида эълон қилган эди. Бироқ, оз фурсатдан сўнг бундай тайёрани яна ишлаб чиқаришга таллуқли янги режа ҳақида гап бўлди. Эндиликда бу режа Эй-экс деб аталмоқда. АҚШ мудофаа вазири Р. Чейни ҳам бу тайёрага доир режани ёқлаб гапирди.**

### КУБА ҚЎШИНЛАРИ ОЛИБ КЕТИЛМОҚДА

**● ЎТГАН душанба куни Конгонинг Пуэнт-Нуаре шаҳри яқинида жойлашган Кубанинг ҳарбий қисмлари ўз ватанларига жўнаб кета бошладилар. Ҳарбийларнинг умумий сони 1500 киши бўлиб, улар бу ерда 1977 йилдан буён турар эдилар. Мазкур минтақада вужудга келган осойишталик ҳарбий қисмларни олиб чиқиб кетиш учун қулай имкониятлар яратди. Ҳарбий қисмларни олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги аҳдлашувга Конго Халқ Жумҳурияти президенти Дени Сассу-Нгессо ва бригадагенерали Виктор Колас раҳбарлик қилган Куба Жумҳурияти делегацияси ўртасидаги учрашув натижасида эришилди.**

### *Жанглар қайтадан бошланди*

**● ИРОҚ шимолида жойлашган Киркук, Мосул, Эрбил шаҳарлари атрофидаги ҳарбий вазиятлар ўзгарди. Саддам Ҳусайнга содиқ қўшинлар билан Қурдистон исёнчилари ўртасидаги қонли тўқнашувлар яна авжига чиқди. Жанг майдонларидан бир-бирига қарамақарши хабарлар келиб турибди. МЕНА ахборот агентлиги маълумотларида айтилишича, исёнчилар Киркук шаҳрига қайтадан ҳужум қилдилар. Шаҳар кўчалари ва гўшаларида кўплаб қонлар тўкилмоқда. Бағдоддан эшиттирилган баёнотда эса ҳукумат қўшинларининг икки кечакундуздан буён бу шаҳарни ўз қўлларида мустаҳкам ушлаб турганлиги айтилади. Киркук ва Мосул аҳолиси тоғли жойларга ҳамда Туркия ҳудудидан ўтиб жон сақламоқдалар.**

**Ироқ шимолидаги исён воқеаларини ёритаётган 28 нафар ғарблик журналистлар ҳам Туркияга қочиб келдилар. Улардан 15 нафари Ироқ ва Туркия чегарасини ажратиб турувчи Хабур пункти яқинидаги дарёдан аранг сузиб ўтдилар. Журналистларнинг гапларига қараганда жанглар чиндан ҳам авжига чиқмоқда.**

# СУВ—ҲАЁТ ТОМИРИ

**РЎЗНОМАНИНГ шу йил 31 январь сонида «Муштарий мулоҳазалари» рукни остида А. Рихсибоевнинг «Ҳашар» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Муҳарририятга муштарийлардан кўпгина ёзилган ана шу мақола юзасидан мактублар келмоқда. Уларда кишилар ўзларини ўйлантириб келаётган муаммоларни, мулоҳазаларни билдирмоқдалар. Қуйидаги мактуб ана шуларнинг биридир.**

* * *

Жамиятимиздаги муаммолар ичида экология кўпчиликни ташвишга солмоқда. Бунга мутасадди ташкилот, идораларнинг раҳбарлари билан бирга оддий фуқаролар ҳам сабабчидирлар, менинг назаримда. «Ҳашар» мақоласида вилоятимиздаги кўпгина сув иншоотлари — каналлар ва ариқлар қаровсиз ҳолда қолгани, уларга турли хил ташландиқлар ва ахлатлар оқизилаётгани тўғрисида фикр юритилган.

Дарҳақиқат, ариқларимиз қаровсиз ҳолда.

Яқин-яқинларгача қишлоқ аҳолиси ариқ сувидан истеъмол қилар эди. Тўйларнинг дошқозонларида ариқ сувлари қайнар эди. Канал ва ариқларда табиат бойлиги бўлмиш беҳисоб балиқлар бўлар эди. Бугунги кунда эса улардан нишон ҳам қолмади.

Аҳоли яшайдиган каттакатта қишлоқларимиз каналлар ва ариқлар ёқасида жойлашган. Бугун мана шуларнинг кўпчилиги ўз ҳовли, уй-жойларидан чиққан чиқиндиларни ариқларга чиқариб тўкмоқдалар.

### «ҲАШАР» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ

Бир нарсани очиқ айтиш керакки, агар ёз фаслида ариқлар сувга тўлиб оқадиган пайтда сув ёқалаб юрсангиз, инсон ақли тасаввур қилмайдиган «мўъжиза»нинг гувоҳи бўласиз. Пахтазорларга сув чиқариш учун қилинган ариқлардаги тўғонларда қўй, эчки, товуқ, курка ва ҳар хил жониворларнинг ўликлари тиқилиб ётади. Хонадонларда сўйилган ҳайвонларнинг ички чиқиндиси қисмларининг бадбўй ҳиди иштаҳангизни бўғиб, таъбингизни хира қилади. Булар қаердан оқиб келаяпти? Буларни шу канал ёки ариқ ёқасидаги аҳоли вакиллари ташлашмаяптими? Сувнинг қуйи оқимида бошқа ошнаоғайнилар яшаётганидан улар бехабарми?

Бир пайтлар шу ариқлардан сув ичганмиз-ку, ахир. Ариқ-зовурларни хас-чўплардан тозалаганмиз, хўш бугунга келиб нега ахлоқий инқирозга юз тутдик, қани инсонийликнинг диёнат, андиша, уят, увол деган белгилари.

Отахон, онахонларимиз ариққа эгилиб, қўл ювганларида «қўлимдаги сув ариққа томмасин» дея ёнбошга ўгирилганлар. Ариқ ёки каналга туфуришдан ҳазар қилганлар. Сувни лойқалатишни гуноҳ ҳисоблаганлар. Нега биз бугунга келиб андишасиз; имонсиз бўлиб қолдик?!

Менимча бунинг олдини олиш мумкин ва керак. Мактабларда ҳар бир синфда, ҳар бир фан ўқитувчиси «Табиатни асранг» деган мавзуда суҳбатлар ўтказиб, сув «Ҳаёт томирлари» эканлиги таъкидланса, қайта-қайта уқтирилса яхши бўларди. Ҳар бир ўқувчидан табиат учун сен нима билан ёрдам бераяпсан, деган саволга жавоб олинса мақсадга яқинроқ ёндашган бўламиз. Ўқувчиларга қайта-қайта ариққа кул тўкмаслик, уйдан чиққан суприндини ариққа ташламаслик, синган-бузилган хўжалик буюмлари билан ариқлардаги сув йўлини тўсмаслик каби ўгитлар берилса. Шундай қилинса ўнтадан биттаси амал қилганда ҳам ўн минглар ҳисобидан минглаб хонадонларда оз бўлса-да, маданиятга бир қадам ташлаган бўламиз.

Келинг, дўстлар, рўзнома таклифига қўшилайлик, ариқларда сув йўқ бўлган шу кунларда маҳалламиздан оқиб ўтадиган ариққа бир назар солайлик. Қўни-қўшниларни ҳашарга чорлайлик. Хўжаликларда раислар, ноҳия ижроия қўмитасидаги мутасаддилар бу ишга бошқош бўлсалар нур устига аъло нур бўларди.

Бунга район санитария-эпидемиология станцияси идораси, районлардаги сув хўжалиги идораси, район агросаноати ходимлари қандай қарашаркин?

**Аҳмаджон АВАЗОВ,**
**Бўка ноҳиясидаги А. Навоий номли 31-мактаб ўқитувчиси.**

● Янги фильм

# «ТЕМИР ЭРКАК»

«Келинлар қўзғолони», «Суюнчи», «Майсаранинг иши», «Темир хотин» каби бир қатор қизиқарли фильмлар яратилиши ўзбекистонлик кинокомедия жанри мухлисларини хушнуд этганди. Республикамиз бадиий кино санъати усталари суратга олган «Темир эркак» фильмининг экранларда кенг намойиш этилаётгани эса улар қувончига қувонч қўшди.

Янги мусиқий кинокомедия ундаги ролларни профессионал актёрлар билан бир қаторда Юлдуз Усмонова, Обид Асомов каби халқ ардоғидаги санъаткорлар банд этганлиги билан ҳам эътиборга сазовор. Қолаверса фильм ҳазил-мутойибага ўч халқимиз кўнглидагидек — кулгили ҳолатларга бой, самимий юмор билан йўғрилганлиги сабабли ҳам муваффақият қозонмоқда.

Ж. АЛИХЎЖАЕВ.

* * *

СУРАТЛАРДА: «Темир эркак» фильмидан лавҳалар.

● АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 550 ЙИЛЛИГИ

# Султон Ҳусайн Бойқаро ўйлари

● Қатра ●

— Алишербек ғоят иқтидорлиғ, имонлиғ азиз жондурким, оллоҳнинг иноятн бирла бул бевафо дунёга бир замонда таваллуди меҳмонлуг айладиг. Токим мукаррам оллоҳимизнинг даргоҳлариға омонат жонимни топширмағунимча, азиз Алини бебаҳо умрнинг ривожот қушандаси бўлмиш довулу селларидан асрамоқлик умиди оллоҳ амри бирла муборак кўнглимдин жой олибдур.

Зеро, дониш қўлида ўйнаган қалам бирла ўткир шамшир ҳамкорлик айлағоч, салтанатда беҳудаға қонлар оқмағига изн берилмас.

**Гар тождор жоҳилу, эрса ғубор дил,**
**Шамшири қутурғай мисли заҳар тил.**
**Қутурғон жонниким ризқи омонат,**
**Салтанат тожидир аҳбоби комил.**

Мен ўзимнинг шамширим дами бирлан бегуноҳ мўминларнинг бошини эрмас Алишербек қаламини бетиним йўниб турмагим керакким, оллоҳ инъом этгон улкан иқтидоридаги жами жавоҳиротларни тўкмагига ғайратлантириб, муқаддас заминимизга жонимизни нисор этиб кета олсак, ҳақ жамолиға уммон, имон бирла нигоҳ ташлаган бўлур эрдик.

Гумбаз булутсизу замин тумансиз бўлмаґони киби салтанат меҳроби-ю Алишербекнинг қисматиґа турфа монеликлар туҳумланиб туражакдир.

**Қайдаки ҳақ уйғоқ, ноҳақ тўлғонур,**
**Не самар топибдур туман ичра нур.**
**Оллоҳ самар олғоч аҳли мўминдин,**
**Оллоҳдин мўминда имон уйғонур.**

Имони уйғоқ аҳли мўминларнинг босган поки-қадамларидин, музлиқда гулшан юз очиб, булбулу қумриларга макон ўлгайдир. Шул боисдан имонлиг мўминларнинг, икки дунёси обод дегайларним, гумонлиг айламакнинг ўрни йўқ эрур.

**Қошимдан оқгон об, жисмим пок этур,**
**Бўлғоч ҳоки-туроб, исмим пок этур.**
**Ўз оби-тобидин юз бурсаки ким**
**Ул обдин ўзга боғ, ҳуснин пок этур.**

Иншооллоҳ, саҳоватлиг тангрим қудрат ато этсалар, темурийлар сулоласининг, қутлуг давомати ичинда жаннатмакон заминимизни пири-комиллар бирла тўлдириб, шарофатлуг масканга айлантирсак ажаб эрмас. Қўрқаменким, аёнлар орасинда имони сут ғалвапарастлар ҳам бисёрдир. Афсуслар бўлсинким, улар пинҳон қурашадурлар. Аммо азамат Алишербек токим барҳаёт эркан, оташ нафасидин турфа балоларга изн берилмас.

Нодон кимсалар боис бир-бириґа қилич қайраґувчи хом сут эмгон бандалар Алишербекнинг ўтлуг нафасидин имон отлиг муқаддас хислатга, Маккаю Мадина остонасиґа тавоф этгондек, тавоф этсалар ҳам таажжублиг эмасдур.

Алишербек айтгони киби узлатга сафар этгонимиздан сўнгра ҳам неча авлодлар сафи ўтмасин, бул фоний олам саҳнасинда бизларни ҳам ёд этиб, руҳимизга чароғ ёқгайлар! Омийн!

Турсун МУҲАММАД.

# НОВВОЙЛАРНИНГ... ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ

**● АНГРЕН нон заводи ходимлари маҳсулот сифатини тўла мустақил назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бундай аттестатни уларга Ўзбекистон стандартлаштириш ва метеорология маркази берди. У эса, аттестат ўз кучида қоладиган икки йил мобайнида новвойлар маҳсулот сифатини назорат қилувчи идоралар текширувидан озод қилинишини билдиради. Хуллас уларга тўла ишонч билдирилди.**

**Аттестат олиш учун, корхонани реконструкция қилишга, уни жиҳозлашга, нон-булка маҳсулотлари тайёрлаш технологиясини изга солишга, «сифат» дастурини амалга оширишга анча вақт ва маблағ сарфлашга тўғри келди. Бундан ташқари улар кейинги беш йил ичида истеъмолчиларнинг бирорта ҳам эътирозига сабаб бўладиган иш қилмасликлари керак.**

(ЎзТАГ мухбири).

# БИР АСРДАН ОШДИ

Пойтахтимиздаги табиат музейи жамоаси бу муассаса ташкил этилганлигининг 115 йиллигига тайёргарликни бошлаб юборди. Шу кунларда унинг тарихи билан боғлиқ анчагина маълумотлар тўпланмоқда. Йиллар давомида йиғилган гербарийларнинг ҳамиша қулай шароитларда сақлаш бўйича белгиланган тадбирлар амалга оширилаётир.

— Музей жамғармасида 39 мингга яқин гербарий мавжуд, — дейди катта илмий ходим Абдувоҳид Ҳамидов, — улар табиат қучоғига кўп бора қилинган сафарлар самарасидир.

Ана шу қимматли дурдоналар туфайли музейда ботаника, зоология, геология фондлари вужудга келган. Кейинги йиллар ичида музей Тошкент Давлат тиббиёт билимгоҳи, доришунослик олийгоҳи талабаларини доривор ўсимликлар билан таништирувчи лаборатория вазифасини ҳам ўтамоқда. Бундан ташқари музейда йиғилган гербарийлар асосида Тошкентдаги маданият саройлари, кино-театрлар, пионер лагерларида кўчма кўргазмалар уюштирилмоқда.

Т. ЗАЙНИДДИНХЎЖАЕВА.

# УЙҒУР ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

**● Эл учун бир яхшилигинг, етти авлодингга етар.**

**● Боланг эрка бўлса, сен унинг ўйинчоғи.**

**● Ишловчининг қўли қадоқ, тиламчининг товони.**

**● Беғам ота ўз фарзандининг бахтини ўғирлайди.**

**● Уйқу инсонни ҳаммадан йироқ қилади.**

**● Сувга ғарқ бўлсанг балиққа фойда, хом ҳаёлга ғарқ бўлсанг рақибга.**

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тўплаган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

### КИМЁВИЙ БИРИКМАЛАР НЕЧТА?

**● 1990 йилнинг февралида ўн миллиониничи кимёвий бирикма рўйхатга олинди. Олимларга маълум бўлганлари сони шунчага етди. Ваҳоланки, 1978 йилда улар тўрт миллионта эди. 1983 йилда эса олти миллионта бўлди. Бу кимёвий бирикмалар сони анча жадал кўпайиб бораётганлигини кўрсатади.**

### ДУНЁДА ҚАНЧА ТУХУМ ЕЙИЛАДИ?

**● Францияда нашр этиладиган «Сьянс эви» ойномаси ўз сонларининг бирида бунга оид қизиқ рақамларни келтирди. Унда айтилишича, бутун дунёда ҳар йили 567 миллиард дона товуқ тухуми истеъмол қилинар экан. Шунча миқдордаги тухумнинг 38 фоизи Осиёда (СССРдан ташқари) етиштирилади. Иккинчи ўринда Ғарбий Европа туради. Бу регионга кирувчи мамлакатларда етиштирилгани жами тухумнинг 21 фоизини ташкил этади. Бундан кейинги ўринни Совет Иттифоқи эгаллайди. Унда тайёрланганн 13,3 фоизга тенг. Шимолий Америкага эса 12,7 фоизи тўғри келади.**

### ПИВОНИНГ ХОСИЯТИ

**● Пиво таркибидаги мис таомни ҳазм қилишга ёрдам берар экан. Бу металл эса юрак учун жуда оз миқдорда зарурдир. Каламушларда синаб кўрилганда мисинг хосияти борлиги маълум бўлди. Бу жониворлар мисдан маҳрум қилинганда бор-йўғи бир ярим ой яшай олдилар, холос. Таркибида мис кам бўлган парҳез овқатлар едирилганда ҳам уларга ичиш учун пиво берилгач, кемирувчилар олти баравар узоқ яшаган.**

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

# ЭЪЛОНЛАР БУРЧАҒИ

**МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ**

48-ҲУНАР-ТЕХНИҚА БИЛИМ ЮРТИ

**аёллар, эркаклар ва болаларнинг устки кийимларини тикиш бўйича моҳир чевар бўлиб етишиш истагида бўлган 9—11-синф битирувчиларини**

## ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

**МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.**

9-синфларни битирганлар 1—3 йил ўқийдилар ҳамда бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. Бир йиллик таълим дастури бўйича ўқийдиганлар касбий маълумот ҳамда тикувчи малакасини эгаллайдилар ва Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси база корхонасига ишга юбориладилар. 3 йил ўқийдиганлар касбий ва тўлиқ ўрта маълумот оладилар.

Билим юртини имтиёзли битирган ўқувчиларнинг 10 фоизи олий ўқув юртлари ва техникумларга ўқишга кириш учун йўлланма оладилар.

11-синфни битирганлар 6 ой ўқийдилар ва ойига 39 сўмдан 60 сўмгача стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида барча ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи берилади.

**ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА ҚУШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.**

Билим юрти ўқувчилари «Қизил тонг» фабрикаси ҳудудида жойлашган маиший ва тиббий хизматлар, профилакторий, саноат моллари ва озиқ-овқат дўконларидан фойдаланишлари мумкин.

Билим юрти қошида ўқувчилар «Модалар театри» ва И. Ганди номидаги Тикувчилар маданият саройи базасидаги ҳар хил ижодий, спорт тўгараклари ишлаб турибди.

**Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:** директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, тиббий маълумотнома, турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан маълумотномалар, 3×4 см катталикдаги 4 та фотосурат.

Билим юрти манзили: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5 «а» уй (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар; 1, 5, 8, 17-троллейбуслар; 2, 3, 25, 60, 71, 80-автобусларнинг «Қизил тонг» бирлашмаси бекати).



## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

5 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

**Москвалик масхарабозлар**

**ПОПОВ, СЕМЕНОВ, ВАСИН**

**ИШТИРОКИДА**

масхарабозлик, ҳажвий саҳналар, тақлидлар, интермедиялар намойиш қилинади.

Дастурдан — муаллақвозлар, акробатлар, ҳаво гимнастикачилари, жонглёрлар, ўргатилган ҳайвонларнинг чиқишлари ҳам ўрин олган.

**2 бўлимдан иборат катта ранг-баранг дастур.**

Томошалар бегим кунлари соат 19.00 да, шанба кунлари соат 16, 19.00 да, якшанба кунлари соат 12, 15, 18.00 да бошланади.

**Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда.**

**Олдиндан чипта сотиш кассаси ишламоқда.**

**Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.**

**Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04, 44-35-04.**

20—21 АПРЕЛЬ СОАТ 17.00 ВА 19.30 ДА

Чимкентлик ёш хушовоз хонанда

Одил КАРИМОВ

## КОНЦЕРТИ

Маълумотлар учун телефонлар: 44-35-31, 44-29-04,
Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.
44-17-81, 44-17-84.
Чипталар сотилмоқда.

**«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»**

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

16, 17 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА

«УМИДИМ, ФАХРИМ — БАҲОР!»

## ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

**ҚАТНАШАДИЛАР:**

**Ўзбекистон ССР халқ артисти**

Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ

«ЎЗБЕКИСТОН МАЛИКАЛАРИ» РАҚС АНСАМБЛИ

**Рақсларни саҳналаштирувчи — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қодир МЎМИНОВ.**

**Программани — «ҚИЗИҚЧИ—90» кўригининг совриндори Машраб НАЗАРОВ олиб боради.**

**Чипталар соат 11.00 дан сотилмоқда.**

**КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ШИРКАТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ**

**«УРАЛ» Совет-Британия қўшма корхонасининг**

«ТЕХНЕЗИС-ИНФО» ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

**ПК I ВМ РС(ХТ)АТ негизидаги дастурий-техникавий комплексларни ўртача нархларда**

## ЕТКАЗИБ БЕРАДИ

**Ишга туширишсозлаш ишлари ва 12 ой давомида техникага кафолатли таъмирлаш хизмати кўрсатиш ҳам дастурий-техникавий комплекс қийматига киради.**

Буюртмачи олдиндан Тошкент шаҳрида ДТКнинг имкониятлари билан танишиб чиқиши мумкин. Ҳақини тўлагандан сўнг 24 соат мобайнида етказиб берилади.

Буюртмачининг хоҳишига кўра «ТЕХНЕЗИС-ИНФО» ДКга техника хизмати кўрсатади ва дастурий воситаларни ишлаб чиқади.

«ТЕХНЕЗИС-ИНФО» шартнома тузишга кўмаклашувчи шахсларга миннатдорчилик изҳор этади ва бу ҳолда агентлик хизматлари учун ҳақ тўланиши назарда тутилган.

**Маълумотлар олиш учун телефонлар: 67-25-57, 67-77-06.**

ЯНГИ РЎЗНОМА

# ЎЗБЕК ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛМОҚДА

Бу йилги Наврўз тантаналари чирчиқликларни яна бир янгилик билан хушнуд этди. Улар кўпдан бери орзиқиб кутаётган ўзбек тилидаги шаҳар рўзномаси — «Чирчиқ тонги»нинг биринчи сонини қўлга олдилар.

— Рўзномани чиқаришда анча қийинчиликларга дуч келдик,— деди унинг муҳаррири Шокир Тўғонов.— Муҳарририят учун жой, кадрлар, босмахона муаммоларини ҳал этиш осон кўчмади. Шунинг учун ҳам рўзномани йил бошидан чиқара олмадик. Биринчи сонимиз минг нусхада сотувга чиқарилди. Ҳозирча у ҳафтада бир марта чоп этилмоқда. Кейинчалик уни ҳар ҳафтада икки мартадан чоп этиш, мазкур нашрга обуна уюштириш ҳаракатидамиз. Ўйлаймизки, рўзномамиз чирчиқликларнинг севиб ўқийдиган нашрларидан бири бўлиб қолади.

Н. ЗОИРОВ.

# ФУТБОЛ

**БУГУН бўладиган «Металлург» — «Динамо» (Минск) ҳамда Москванинг «Динамо» ва Запорожьенинг «Металлург» командалари ўртасидаги учрашувлар билан СССР чемпионатининг олий лигасида бешинчи тур ўйинлари бошланади. Утган йилги бронза медали совриндори, бу мавсумдаги биринчиликда ҳозирча охирги ўринни эгаллаб турган москвалик динамочилар жамоасида ўзгариш бўлди. Собиқ динамочи, 36 ёшли Валерий Газзаев командага бош мураббий этиб тайинланди.**

**Футбол мухлислари Газзаевни иқтидорли тренер сифатида ҳам яхши билишади. Утган йили у Владикавказнинг «Спартак» командасини бошқариб, жамоани олий лигага чиқишида катта ҳисса қўшган эди ва натижада йил якунига кўра «Совет командаларининг энг яхши устози» совринини олишга муваффақ бўлди. «Спартак»да эса ҳозирча унинг вазифасини ёрдамчилари, шу жумладан собиқ пахтакорчи Александр Яновскийлар бажариб туришади.**

**Утган куни Москвада ўтказилган «Локомотив» ҳамда Свердловскнинг «Уралмаш» командалари ўйини билан СССР кубогининг сўнгги ярим финалчиси аниқланди. Бу ҳуқуқни учрашувда 2:0 ҳисобида ғолиб чиққан темирйўлчилар қўлга киритишди. Энди улар ярим финалда ҳамшаҳарлари — Марказий армия спорт клуби футболчилари билан куч синашадилар. Иккинчи жуфтликни Москванинг «Торпедо» ҳамда Ереваннинг «Арарат» командалари ташкил этишди. 10 ва 11 май кунлари бўлиб ўтадиган юқоридаги икки учрашув ғолиблари 23 июнь куни финалда биллур соврин учун куч синашадилар.**

● Долзарб мавзуда

# Лоқайдлик қимматга тушмоқда

**Дўконлар пештахталари бўм-бўш, турли мишмишлардан аҳоли безовта. Булар китоблардаги ё кинофильмдаги тасвирлар эмас, таассуфки, бизнинг турмушимиздаги айни ҳаётий лавҳалардир.**

**Ўзи нима гап? Бу воқеаларнинг туб илдизи қаерда? Шундай сабабларнинг биттасини мисол келтириб, бу лавҳаларга қарши қандай кураш олиб борилаётганлиги ҳақида Тошкент шаҳар Фрунзе район прокурорининг катта ёрдамчиси Қ. С. Исҳоқова билан суҳбатлашдик.**

**— Қундуз опа, нима сабабдан тақчиллик юзага келмоқда? Ҳуқуқ-тартибот органлари тақчилликни бартараф этиш борасида қандай ишларни амалга оширмоқдалар?**

— Тошкентдаги вужудга келган қийин шароитни ҳисобга олиб, Фрунзе район прокуратураси томонидан 1990 йил якунлари бўйича райондаги айрим корхона ва ташкилотларнинг темир йўл транспортидан фойдаланишда давлат интизомига қай даража риоя қилаётганликлари устидан умумназорат текшируви ўтказилди. Текширув давомида темир йўл вагонларига юк ортиш ҳамда юк туширишда вақтида давлат интизоми бузилаётганлиги ҳоллари аниқланди. Масалан, ўтган йили юк шоҳ бекатларининг хўжалик бирлашмасига район корхоналари ва ташкилотлари учун 13336 та вагонда юклар келган, шундан 2338 вагон ёки жами юкнинг 17,4 фоизи туширилмай туриб қолганлиги қайд этилди. Кўрсатилган муддатдан ортиқ туриб қолган вагонлар учун жарима миқдори 162 минг сўмни ташкил этади, бу эса 1989 йилга нисбатан уч баробар кўпдир! Бундан ташқари, корхона жаримани ўзига тегишли фойдадан тўлашини эътироф этадиган бўлсак, бу ўша корхона ишчилари маошига ёки бошқа ҳақларига қўшилиши зарур бўлган салмоқли ҳисса йўқотилди дегани. Бу яна мазкур корхона кўрсатилган пулни ўзининг равнақи ва бошқа зарурати учун ишлатишдан маҳрум бўлди, дегани ҳамдир.

**— Жаримага илиниб, маблағни ҳавога совураётган корхоналарни аниқ мисол қилиб айтсангиз?**

— Сўзим қуруқ бўлмаслиги учун бир неча мисол келтираман. Масалан, ёғочни ишлаш корхонасига ўтган йили 761 та вагон келган бўлиб, шундан 433 таси ёки 56 фоизи кўрсатилган муддатдан икки ҳисса ортиқ туриб қолган. Жарима миқдори 5838 сўмни ташкил этади. Тошкент ободончилик бошқармасига келган 475 вагондан 105 тасини ўз вақтида бўшатиб олмагани учун 13089 сўм жарима солинган. Қоидабузарликда Тошкент тўқимачилик корхонаси ҳаммадан ўзиб кетди. Бу ерга келган 1787 вагоннинг 320 таси туриб қолганлиги учун корхонага 47240 сўм жарима солинди. Қоидага мувофиқ ортиш ва тушириш учун 4 соат белгиланган бўлса, бу корхона ўттиз соат ортиқ, яъни 34 соат сарфлаган.

**— Бу ҳолатларни қандай тушуниш мумкин? Асосий айбдорлар кимлар?**

— Биринчи галдаги айбдор — корхоналарнинг раҳбарларидир. Чунки улар таъминот, мол тақатиш ва темирйўл хизмати бўлимларининг ишларини етарли назорат қила олмаганлар. Кўпчилик кимдир келиб тартиб ўрнатишини кутиб ўтиришга одатланган.

**— Аҳвол яхшиланиши учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

— Агар ҳаммамиз бирга-лашиб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмас экан-миз, ишимизда унум бўлмайди. Ахир биз ноаҳиллик, лоқайдлик оқибатида кўп нарсани, хусусан оддий ишчиларнинг ҳақларини йўқотаяпмиз. Беғамлар касрига халқ истеъмол молларини тўлиқ ололмаяпмиз. Бу ҳол яхшиланадими ёки шундай давом этаверадими, бу ёғи фақат ўзимизга боғлиқ.

Биз халқимиз эҳтиёжи доирасидаги посбонларимиз ва халқ билан баҳамжиҳат иш олиб боришимиз шарт.

— Раҳмат.

Суҳбатни Р. ИБРОҲИМОВ ёзиб олди.

Тошкент ҳақиқати («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353, масъул котиб ўринбосарлари — 325750, бўлимлар: мафкура, ёшлар ҳаёти ва ахборот — 325778, 325645, 337010, Қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733, ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767, адабиёт ва санъат — 325553; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354, жамоатчи кенгаш қабул хонаси — 33-40-48, 325354, эълонлар бўлими —325727.

Буюртма — 5212. Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12